Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 1 февраль, сешанба № 27—28 (21.632). Сотувда эркин нархда.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш республика Давлат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш юзасидан давлат дастури ва уни бажариш тартиби ҳақида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар лотин алифбосига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда мустақил ўрганувчилар учун махсус қўлланмалар, дарсликлар нашр этишни жадаллаштириш хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда республика Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

(ЎзА).

— Яқинда матбуотда эълон қилинган Президентимиз Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини бизнинг меҳнат жамоамиз ҳам мамнуният билан қутиб олди,—дейди Қизилтепа туманидаги «Тавоис» кичик корхонаси раҳбари Ф. Музаффаров. — Айтиш керакки, мазкур Фармон мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида инқилобий дастур-ҳужжат бўлди. Фармонда кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берилган. Мана энди ишлайдиган замон келди.

Дарвоқе, бизнинг кичик корхонамиз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона маҳсулотларидан харидорлар мамнун. Ўтган йили бу ерда 10 миллион сўмлик истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. Айниқса, чинни, мис идишлар, совғабоп буюмлар, зардан тикилган матоларни кўпчилик мамнуният билан сотиб оляпти.

Эндиликда кичик корхонани кенгайтириш чора-тадбирлари кўриляпти. Яқин вақт ичида қўшимча ускуналар келтирилиб ўрнатилади. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга янги иш жойларини ташкил этишга ҳам ёрдамлашади.

СУРАТДА: кичик корхона моҳир зардўзлари Л. Қурбонова ва Д. Носирова иш устида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Андижон вилояти кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияда вилоят ҳокимлигининг 1993 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича олиб борган ишлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Кенгаш XIV сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган хулосалар асосида вилоятда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Бу ҳақда вилоят ҳокими Қобилжон Обидов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар 1993 йил бозор иқтисодиёти шароитида воқеаларга бой бўлганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Президентимиз кўрсатган йўл-йўриқларга оғишмай амал қилаётган вилоят меҳнаткашлари иқтисодий ислоҳотни жадаллаштира бориб, 1993 йилни ҳар қачонгидан муносиб якунлашга эришдилар. Бу давр мобайнида 97 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бу эса 1992 йилга нисбатан 6,3 фоизга ёки 5,7 миллиард сўмга ортиқ демакдир.

Сессия кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шуҳрат МУСАЕВ,

янгиликлар воқеалар хабарлар

● Иқтисодиёт

НЕМИС САНОАТЧИЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА

Германия Федератив Республикасидаги «Йеноптик» фирмаси бошқаруви раиси доктор Лотар Шпэт раҳбарлигидаги делегация Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида музокара олиб борилди. Маълумки, бу фирма Германиянинг йирик саноат маркази жойлашган ҳудудда фаолият кўрсатади. Фирма оптик кузатув асбоблари, микротузилмали техника ва тиббий техника сингари замонавий асбоб-ускуналари ишлаб чиқаради. Меҳмонлар Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб, мамлакатимиз пойтахтида Ўзбекистон-Германия иқтисодиёт уйини очиш масаласини муҳокама қилишди. Сафар давомида делегация аъзоларига ГФРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳамкорлик қилди.

● Ижтимоий ҳимоя

НЕФТЬ КОРХОНАСИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи олти турда маҳсулот чиқармоқда. Инл мобайнида бир миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди.

Бу маблағ корхона маъмуриятига ижтимоий муҳофазани кучайтиришга имкон берди. Ўтган йили 251 оила янги уйларга кўчиб кирди, якка тартибда уй-жой қураётганларга 18 миллион сўм имтиёзли қарз берилди. Ҳукуматимизнинг нефть ва газ саноатининг 2000 йилгача ривожлантириш дастурига кўра Фарғона, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхоналарини таъмирлаш, Мингбулоқ конидан олинадиган хом ашёни қабул қилишга мослаш тараддуди кўрилмоқда.

● Ҳиссадорлик

«ГУРЛАН» АКЦИЯСИ

Хоразмда илк бор акциялар савдоси бошланди. Бунинг энг арзони юз минг, қиммати эса икки ярим миллион сўмкупондир.

Акцияларни «Гурлан» очиқ усулдаги ҳиссадорлик жамияти чиқарган. Харид қилганлар Гурлан туманида қурилаётган тикувчилик мажмуининг соҳиби бўладилар. Бу корхона пахта толасидан кийим-кечаклар тайёрлайдиган «Язекс» турк корпорацияси билан ҳамкорликда қурилмоқда. Корхона цехларига Олмония, Италия ва Туркиянинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилади. Ҳисоб-китоблар бўйича корхона ишга туширилгач, ўн беш ойда харажатлар қопланиб, ҳиссадорлар фойдадан тегишли улушини ола бошлайди.

● Мулоқот

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилояти бўйича мухбиримиз Абдужалил Умаровнинг хабар қилишича, Гулистонда матбуот конференцияси ўтказилган.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Парда Жумаев ва унинг муовинлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вилоят сессиясида сўзлаган нутқида кўтарилган масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги дастлабки натижалар, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ички ишлар ходимлари томонидан амалга оширилаётган бошқа тадбирлар тўғрисида мулоҳаза юритдилар. Йиғилишда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

● Қулайлик

МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚУВОНЧИ

Қўқондаги Алишер Навоий номли маҳаллада ҳашар усулида маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар қурилди. Шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар билан созланган шифохона ҳам фойдалана нишга топширилди.

Маҳалла қўмитаси раиси Орифҳожи Носировнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш цехларидан олинадиган даромаднинг ярми камҳарж оилалар эҳтиёжига сарфланар экан. Муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун бепул мактаб кийимлари тикиб берилаётганидан маҳалладошлар айниқса мамнун бўлишмоқда.

(Мухбирлар, ЎзА ва хатлар асосида тайёрланди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

ТИЛ—МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида «Жиззах вилоятида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида»ги масала муҳокама этилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар қайд этилган ҳолда мавжуд нуқсонлар кўрсатилган, ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган эди.

Вилоят ҳокимлигида шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят ташкилотлари, йирик корхона ва муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари ҳамда матбуот вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда ушбу қарорни бажариш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш. Б. Чилғошев тузилган тадбирлар билан йиғилганларни батафсил таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни тўла тўкис бажарилишини таъминлаш республика мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Баҳтиёр РИЗАЕВ.

• *ХДП ҳаётидан*

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ—БОШ ВАЗИФА

Яқинда Хоразм вилоятида ана шу мавзуга бағишланган Ўзбекистон ХДПнинг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

«Хоразм вилоятида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қилинаётган ишлар ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари»га бағишланган ушбу семинар—кенгашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов, Марказий Кенгаш котиблари А. Саидов, И. А. Кочмарик, А. Мирқосимов, шунингдек, вилоят кенгашлари биринчи ҳамда иккинчи котиблари иштирок этдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларини ва Ўзбекистон ХДПнинг Дастури асосида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилган дастлабки ютуқлар билан яқиндан танишдилар, тажриба алмашдилар.

Вилоят меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорлик билан ишлаганликлари сабабли муҳим кўрсаткичлар бўйича 1993 йил топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилдагига нисбатан 9,1 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 9,7 фоизга ошди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим силжишлар бўлди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси 116,3 фоизга бажарилди. Давлатга пилла, сабзавот сотиш режалари адо этилди, сут, тухум топшириш кўпайди.

Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга алоқадор тадбирлар фаол ўтказила бошланди. Аҳоли турар-жойлари тўла хусусийлаштирилди. 2093 объект давлат тасарруфидан чиқарилди.

Меҳмонлар дастлабки куниёқ ишни Урганч туманида қурилаётган савдо ярмаркаси мажмуи билан танишишдан бошладилар. Сўнгра улар Урганч шаҳри ҳудудидаги Хоразм ипак ишлаб чиқариш бирлашмаси, Урганч ёғ-мой комбинатида бўлдилар. Корхоналарнинг иқтисодий ислоҳот жараёнидаги фаолияти, Ўзбекистон ХДП вилоят бошланғич ташкилотларининг ислоҳотни чуқурлаштиришдаги ибратли ишлари билан яқиндан танишдилар.

Шу куни семинар иштирокчилари Урганч шаҳрининг янгидан барпо этилган савдо расталарини, деҳқатга сазовор жойларини бориб кўришди.

Семинарнинг иккинчи иш куни Хива туманидаги «Чоношиқ» қишлоғи ҳудудида жойлашган хусусий корхоналар билан танишишдан бошланди. Бу ерда 23 та кичик хусусий корхона фаолият кўрсатяпти. Уларда уч юздан зиёд меҳнатга лаёқатли аҳоли хизмат қилаётир. Булар орасида айниқса, гилам тўқиш хусусий тижорат корхонаси иши диққатга сазовор. Ҳозир бу ерда кунига 80 квадратметр гилам ишлаб чиқариляпти. Бу кўрсаткич 6—7 марта кўпайтирилиши кўзда тутилган.

Амалий, қизғин фикр алмашув, айниқса, Огаҳий номли жамоа ҳудудидаги яна бир хусусий жамоа — Мунис Хоразмий номидаги ҳиссадорлик жамияти чорвачилик фермасида бўлди. Акционерлик жамиятига ёш, ташаббускор йигит, маълумоти бўйича иқтисодчи С. Машарипов бошчилик қилади. Фермада мулкка эгаликнинг афзалликлари тобора намоён бўла бошлади.

Меҳмонлар Хива шаҳрининг тарихий меъморчилик обидаларини кўздан кечиркан, аждодларимиз қолдирган тарихий меросимизнинг кўз қорачиғидай авайлаб асралаётганлигидан беҳад мамнун бўлдилар.

Куннинг иккинчи ярмида семинар иштирокчилари Боғот туманидаги И. Дўсов номли жамоа хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бу борада ХДП бошланғич ташкилотлари ўтказаётган амалий ишлар билан яқиндан танишдилар.

Жамоа хўжалигида ўттизга яқин ёрдамчи хўжалик мавжуд. Унда ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлар, идиш-товоқлар нафақат Хоразмда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан тажриба алмашиш учун ташриф буюрган меҳмонлар иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотлари ҳокимликлар билан биргаликда олиб бораётган чинакам сафарбарлигининг гувоҳи бўлдилар.

Семинарнинг охирги кунида Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби С. Усмонов, ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов ва бошқа ўртоқлар сўз олиб, ушбу ўтказилган тадбир ҳақида ўз ижобий фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов семинар-кенгашга якун ясар экан, икки кун давомида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш борасидаги иш тажрибаларини, айтилган фикр-мулоҳазаларни хулосалар экан ХДП Хоразм вилоят ташкилоти бу борада намунали иш олиб бораётганини, унинг вилоят ҳокимиятига яқинда кўмакдош, елкадош бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Хусусийлаштириш қандай самара бермоқда?*

ҲАСАНОВНИНГ БОШИ ҚОТГАН

Хусусийлаштириш — давр талаби. Шу боис кўпгина соҳаларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ишлари кўламли олиб борилмоқда. Хўш, бу ўз самарасини беряптими, чорвачилик соҳасида мулкчиликнинг ўзгарганлигидан унинг эгалари қандай манфаат кўряптилар? Ана шу саволга жавоб топиш учун Бухоро вилоятининг айрим хўжаликларида бўлдик.

Саттор Жабборов номли жамоа хўжалигининг қорамолчилик фермаси чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда Ғиждувон туманида ўртамиёна саналарди. Хўжаликда тармоқни ривожлантириш учун елиб-югурилса-да, ўзгариш сезилмади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бултур март ойида қабул қилинган «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққандан сўнг калаванинг учи топилгандай бўлди. Колоқликдан чиқиш йўли фермани хусусийлаштириб олиш деган фикрга келинди. Бунга пухта тайёргарлик кўрилди. Хўжалик бошқаруви билан шартнома тузилди. Қўйингки, мустақил ҳаракат қилиш борасидаги барча ҳужжатлар тайёрланди. Хуллас, мазкур ферма биринчилардан бўлиб ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Ферма ўз эгасини топди. Энди ҳамма нарса ҳисобда.

Чорва тақдирига жамоанинг ҳар бир аъзоси масъул. Ажратилган ерга озуқа экинлари экилди. Ташвачилик, исрофгарчиликка қарши кескин курашиладиган бўлди. Натижалар ижобий томонга юз бурди.

Далилларга мурожаат қилайлик. Саккиз ойда режаларни бажаришда силжиш бўлди. Қорамоллар бош сони ошиб, 1006 тага етди. Шундан сигирлар 310 бош. Маҳсулот етиштириш кўпайди. Режадаги 850 тонна ўрнига 936 тонна сут олинди. Бу, 1992 йилга нисбатан 361 тоннага кўп. Ҳар сигир ҳисобига 2753 килограмм зиёд. Гўшт етиштириш режадаги 37 тонна ўрнига 48,6 тоннага етди. Ҳар сигирдан бузоқ олиш ҳам кўнгилдагидек бўлди.

— Хусусийлаштириш қишлоқда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг омили, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Аваз Икромов. — Бундан катта самара кўриш мумкин. Чорвадорларнинг киссаси пул кўрди. Хуллас, мулк эгасини топсагина унга муносабат ўзгаради.

Бу ҳақ гап. Лекин ҳамма ерда ҳам хусусийлаштириш самара бермаётир. Шу тумандаги «Халқобод» жамоа хўжалигининг «Қорабоғ» чорвачилик ҳиссадорлик жамияти ҳали ўзини ўнглаб ололгани йўқ. Сабаби, хўжалик бошқаруви ўртадаги шартномага амал қилмади. Энди тепапоя бўлаётган жамиятга «ўз кунингни кўравер» қабилида муносабатда бўлинди. Орадан ойлар ўтган сайин ҳиссадорлик жамияти ҳиссасини йўқотди. Чунки озуқа экиладиган майдонларда бошқа экинлар парваришланди. Оралиқ экинларининг тенг ярми экилди. Қиш учун етарли озуқа жамғарилмади. Оқибатда мавжуд 545 бош қорамол, шундан 210 бош сигирнинг аҳволига маймунлар йиғлаётир.

Бултур сигирлар туёқ сони 25 бошга камайди, 13 бош бузоқ нобуд бўлди. Давлатга сут сотиш режаси 80 фоиз атрофида қолди. Ҳар бир сигирдан 1928 килограмм сут соғиб олинди. Шу тариқа ҳиссадорлик жамияти боши берк кўчага кириб қолди.

Бунинг устига мулк эгалари ойлик маошларини вақтида ололмай хуноб. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: ферма хусусийлаштиришга тайёр бўлмаган жамият аъзолари эса мулкчиликнинг янги кўринишини моҳиятини тушуна олмаганлар. Ҳиссадорлик жамияти нима эканлигини билмаган жамоа қандай қилиб тўкинлик ярата олади?

Бундай аҳвол Бухоро туманидаги «Истиқбол» деб номланган ҳиссадорлик жамияти фаолиятида ҳам ҳукм сураётир. Бу ерда режалар барбод бериляпти. Қорамоллар сони 429 ўрнига 313 бошни, сут етиштириш режаси 80 фоиз, гўшт сотиш 75 фоизни ташкил этди.

Жамият раиси С. Ҳасановнинг боши қотган. Айни қиш даврида қорамоллар балчиқ ичида. Уларга ем-хашак буғлатиб берилмайди. Шу боис ҳар бир сигирдан атиги 5 килограммдан маҳсулот олинаётир. Мавжуд озуқа билан молларни қишловдан олиб чиқишга ҳеч кимнинг кўзи етмайди. Бундай хотиржамлик мулкдорларга бир кунмас бир кун панд бермасмикин?

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛМИЙ—АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти, сиёсати, ижтимоий ҳаёти ва олий таълим тизимининг ислоҳотига доир долзарб муаммолар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда институт ректори профессор С. Пўлатов маъруза қилди.

Маърузаларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, мамлакатимизнинг миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш хусусида, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос тамойиллари, шунингдек, институтнинг ўқув-тарбиявий ишлари соҳасидаги айрим муаммолар ҳақида гап борди. Бир неча босқичда ўтган бу анжуман 29 январда якунланди.

(ЎзА).

КУН ТАРТИБИДА—МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Театр бошланғич партия ташкилотининг котиби, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Хонтўраев ўз сўзида бу ҳужжат зиёлилар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини, уни театр жамоаси ҳам бир овоздан қўллаб-қувватлаётганликларини, мафкурани ҳаётга тадбиқ этишда саҳна санъати ходимларининг жонкуярлик кўрсатиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Йиғилишда сўзга чиққан таниқли санъаткорлар — Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Муҳаммаджон Абдуқундузов ва бошқалар Миллий истиқлол мафкураси пишиқ-пухта ёзилганлигини қайд этишиб, унда илгари сурилган эзгу ғояларни амалга ошириш учун театрда нималар қилиш кераклиги тўғрисида фикр билдирдилар. Айни вақтда халқ — қадриятлари билан улуғ, деган даъватга амал қилиб, янги изланишларга фаолроқ қўл уриш зарурлигини ҳам таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига янги аъзолар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда «маҳсулот» деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;

ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

2-модда. Давлат стандартлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази («Ўздавстандарт»);

қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси);

табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси);

тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу Қонунга мувофиқ давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан буён матнда «стандартлар» деб юритилади), шунингдек ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, рўйхатга оладилар, нашр этадилар.

3-модда. Стандартлаштириш ишларини ўтказиш

«Ўздавстандарт» ушбу Қонунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

«Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидирлар.

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар.

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

4-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

5-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти халқаро шартнома ёки битимда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таърифланганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

II бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШГА ДОИР НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

6-модда. Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;

тармоқ стандартлари;

техник шартлар;

корхона стандартлари;

хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби «Ўздавстандарт» томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини «Ўздавстандарт» ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Чет истеъмолчиларга етказиб бериладиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар тегишинча «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги органларида ёки уларнинг ишлаб чиқувчи жойлашган ердаги минтақавий органларида ҳақ тўланмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари рноя этиш учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблари қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

7-модда. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни стандартлаштиришга доир нормативҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабларни, шунингдек ушбу талабларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усулларини ўз ичига олиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

III бўлим. СТАНДАРТЛАР УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

8-модда. Давлат назорати органлари ва объектлари

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари;

стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари;

стандартларни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

9-модда. Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш;

хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (таҳлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари, стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари;

стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;

текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган импорт маҳсулотни реализация қилишни ман этишда мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

10-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу қонун қоидалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

IV бўлим. ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШГА ДОИР ИШЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ, СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

11-модда. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидаларини, нормаларини ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг таркибий ташкилий-техник ва умумтехник мажмуиларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;

техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;

стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни олиб бориш;

стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

стандартлар фондини, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидаларини, нормаларини ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш;

стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган ўзга ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник-иқтисодий ахборот классификаторларини, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматларнинг нашр қилинган (қайта нашр этилган) каталогини сотишдан белгиланган тартибда олинадиган маблағлар, шунингдек ушбу Қонун қоидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат назорати органларига йўлланадиган қисми ҳам стандартлаштириш, стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин.

Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминланадиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

12-модда. Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

Давлат стандартларга, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини кафолатлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва маҳсулотларни стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид келмайдиган қисми қўлланилаверади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раиси
вазифасини бажарувчи
Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Э. ХАЛИЛОВ.

ХДП ҳаётидан

КОТИБЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгашида бошланғич партия ташкилоти котибларининг ўқуви бўлиб ўтди.

Унда «Бошланғич партия ташкилотларининг 1993 йилда олиб борган партиявий-ташкилий ишлар якуни ва навбатдаги вазифалар» ҳақида маъруза қилган шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби М. Иномов йиғилганлар диққатини бундан буёнги иш фаолиятларида республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқини жойларда кенг миқёсда тарғиб қилиш ва шу сессияда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун асосида бўлажак сайловларга қизғин тайёргарлик ишларини олиб боришга қаратди.

Шаҳар кенгаши партия ташкилотчиси М. Сиддиқов бошланғич партия ташкилотларида 1993 йилда бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилишларини ўтказиш ва иш юритиш тартиби ҳақида йўл-йўриқлар берди.

Йиғилишда бир гуруҳ бошланғич партия ташкилотлари котибларига шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАТТА ЭЪТИБОР БИЛАН

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон Халқ демократик партияси миллий истиқлол мафкураси бойитилган ҳолда қабул қилинган эди. Уни жойларда тарғиб-ташвиқ қилишга ва аҳолига кенг тушунтиришга катта эътибор беряпти бошланди.

Қоровулбозор тумани ҳокимлиги ва туман партия кенгаши биргаликда «Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди. Уни туман ҳокими Р. Собиров очди.

Шундан сўнг Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси олийгоҳи доценти О. Вафоев, ХДП туман кенгашининг биринчи котиби Н. Едгоров, ХДП вилоят кенгашининг масъул ходими С. Мамедовлар маъруза қилдилар.

Анжуманда миллий истиқлол мафкураси талаблари асосида жойларда сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга қаратилган тадбирлар қабул қилинди.

Б. ДАВРОНОВ.

КЎНГИЛЛАРИ ЧОҒ БЎЛДИ

● Асака шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан шаҳар маданият уйида «Яйраниг, болалар!» мавзуида қизиқарли тадбир ўтказилди. Ўгалар ёрдамига муҳтож бўлган қирқ нафар етим боланинг бу байрам кечасидан кўнгиллари чоғ бўлди. Чиройли безатилган саҳнада шаҳар санъат мактабининг ёш ижрочилари, «Гулдаста» сатира театр-студияси қатнашчилари болаларбоп қизиқарли саргузаштларга ва ҳангомаларга бой томошалар кўрсатдилар.

Сўнгра болалар «Асакапазанда» ҳиссадорлик жамияти пазандалари безатган байрам дастурхонига таклиф қилиндилар. Шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Жалилов, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Мўйдинжон Дадажоновлар шаҳар Қизил ярим ой жамияти ва «Меҳр-мурувват хайрия жамғармаси» томонидан тайёрланган кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, ўқув қуроллари, ноз-неъматлардан иборат хайрия совға-саломларини топширдилар.

Хайрия маросимига ташриф буюрган болалар, уларнинг яқин кишилари, муаллимлари бу кўрсатилган меҳр-мурувватдан ғоят миннатдор бўлдилар.

М. ҲАКИМОВ.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

АШГАБАТ ТАНЕРАГОҲИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

АШГАБАТ. Америкада чоп этиладиган «Авиазйшен унисэнд спейс техноложи» ҳафтаномаси Туркманистон пойтахтининг тайёрагоҳи қурилиши тўғрисида батафсил ҳисоботни босиб чиқарди.

Ҳафтанома мақоласида кўрсатилишича, тайёрагоҳ бир неча учиш ва қўниш майдонларидан иборат бўлади ва унинг бунёд этилишида «Локхид», «Джон лейнг» ҳамда Туркиянинг бир қатор компаниялари қатнашади. Улар бу ҳақда халқаро консорциум имзоладилар. Қурилиш 1996 йилда тугалланади. Қурилиш учун сарфланадиган маблағлар Туркманистоннинг хорижий элларга экспорт қиладиган гази эвазига йиғилади.

ЭРОН ВАЗИРИ ТУРКМАНИСТОНДА

АШГАБАТ. Эрон Ислом Республикасининг кон руда саноати вазири жаноб Мохоуджи Ашгабат шаҳрига қилган сафари чоғида Туркманистон раҳбарининг диққат-эътиборини ўзининг мамлакатида нефть, газ ва кўмир қазиб чиқариш борасида бой тажриба ва замонавий технологияга эга эканлигига қаратди.

ФЕРУЗА ҚИШЛОҒИДА

АШГАБАТ. Пойтахт яқинидаги ана шу қишлоқда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ ташаббуси билан ўткир нафас олиш касалликларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Унинг ишида Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарлари, бош шифокорлар, педиаторлар қатнашдилар.

УРАЛ ҲАРБИЙ ОКРУГИДА ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

ДУШАНБЕ. Тожикистоннинг ёш ҳарбийларидан 750 йигит яқин келгусида Урал ҳарбий округининг ўқув юртларидан бирида ҳарбий таълимни эгаллашга киришади.

Улар Россия курсантлари каби ҳарбий таълимнинг тўлиқ курсини эгаллайдилар. Бундай тадбир ўзининг қуролли кучларини яратаётган Тожикистонда малакали ҳарбий кадрлар етишмаётганлиги билан боғлиқ.

МАТБУОТ ВА АХБОРОТ ВАЗИРЛИГИ ТАДБИРИ

ДУШАНБЕ. Ҳозирги пайтда фаолияти тақиқланган муҳолифчи партиялар ва ҳаракатларнинг матбуот нашрлари ман этилганлиги муносабати билан улар ўз ўқувчиларини мамнун этолмайди.

Тожикистон матбуот ва ахборот вазирлиги бу нашрларнинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилди.

ФАХРИЙЛАР ФАХРИЙЛАРГА

ДУШАНБЕ. Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари Уюшмаси кенгашининг раиси Бектош Раҳимов бошчилигидаги делегация Тожикистоннинг бир неча туманларида бўлди.

Тожиклар ўзбек биродарларининг армуғон этиб юборган 60 миллион сўмлик ун, пахта мойи, кийим-кечакларини инсонпарварлик ёрдами тариқасида қабул қилиб олдилар. Ёрдам маблағи кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва етимларга тарқатилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Саодатхон Солиева чеварликни ҳавас қиларди-ю, узоқ нишоналарга боришга имкони йўқ эди. Яқинда у ишли бўлди, шундоқ ўзи яшайдиган ҳудуд ёнбошида тикувчилик қиляпти.

Бухоро шаҳридаги «Шартнома-савдо» бирлашмаси ҳузурида тикувчилик цехи очилиши муносабати билан Саодатхон каби 10 нафар қиз-жувонлар ишга жойлашди. Янги очилган цехда ҳозир кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаб ва дастрўмол каби бир неча хил маҳсулотлар тайёрлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: Саодатхон Солиева.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ДАВРА СУҲБАТИ •

БИЛАК БИЛАН БИТМАГАН, БИЛИМ БИЛАН БИТАР

«Ҳозир ҳар қайси хўжалик хоҳлаган навини экаяпти. Ҳануз бу масалада ягона давлат сиёсати йўқ. Такрор айтаман: ким нима хоҳласа, шуни экаяпти. Кимки шунинг орқасидан фойда кўраётган бўлса, ўшанинг усули қўлланмоқда. Натижада биз 170 кунда етиладиган пахта навини экаяпмиз. Балки бу Бухоро шароитига мосдир. Лекин Тошкент ва Самарқанд шароитини, Фарғона вилоятини кўринглар. Бу минтақалар иқлимига мос навларни ҳам чиқарсак бўлади, лекин нега чиқармаяпмиз? 170 кун, бу — тахминан 6 ой дегани. 1 апрелда экилган пахта қачон пишиб етилади, ноябрдами? Уни очилгандан кейин териб олишга ҳам вақт керак...»

Ислом ҚАРИМОВ.

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги йиллар кўклами ва кузи деҳқончилик учун оғир келяпти. Қаттиқ ёмғир, дўл, селлар сабабли чигит икки, ҳатто уч марталаб қайта экилаётир. Ҳатто айрим ерларга июнь ойида ҳам уруғлик қадалмоқда. Натижада қанчадан-қанча қўшимча меҳнат, маблағ сарф бўлаётир.

Аммо шунга яраша мўл ҳосил етиштириш, уни тўла саранжомлаб олишга имкон бўлсайди! Афсуски, катта харажатлар, саъй-ҳаракатлар эвазига ҳосил энди етила бошлаганда ёғингарчиликлар бошланиб, совуқ тушиб пахтанинг бир қисми далаларда қолиб кетаётир. Чунки Ўзбекистон пахта етиштирувчи давлатлар ичида энг шимолий минтақада жойлашган. Шунинг учун ҳам бундан буён об-ҳавонинг қулай келишига ишониб бўлмайди. Хўш, шундай шароитда нима қилиш керак, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бизнингча, бу борада илм-фан ютуқлари асқотиши мумкин.

Собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳосилдорликни ошириш борасида ҳам, ялпи хирмон салмоғини кўпайтириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Янги ерларни ўзлаштириш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўлидаги ишларимиз. тажрибаларимиз кўп мамлакатларда қизиқиш уйғотган.

Ҳозир қатор минтақаларда ибратли ишларимиз қўлланяпти. Мутахассислар, олимларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлаётир.

Шунингдек, республикамизда пахтачиликни кенг тараққий эттиришда ҳам жуда катта имкониятлар бор. Бир қанча илмий муассасалар, иқтидорли олимлар ишламоқда. Уларнинг ҳаракатлари туфайли турли хил терим машиналари вужудга келди. Селекционер олимлар томонидан кашф этилган айрим навлар ўз вақтида мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам юксак баҳоланди.

Бироқ бебаҳо еримиз, саҳий қуёшимиз, мўътадил иқлимимиз туфайли бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришишимиз мумкин. Фақат ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини чуқур жорий этиш лозим бўлади. Бу — кечиктириб бўлмайдиган, қолаверса катта диққат-эътибор талаб қиладиган соҳа.

Яқин-яқинларгача фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрнига етарли эътибор берилмади. Кўплаб истиқболли янгиликлар тўрачилик тўсиқларига учраб ўз ўрнини топмади. Аксинча, баъзи чала ишланмалар таниш-билиш орқали ҳаётга йўлланма олди-ю, юлдуз кўрмай жон берди, талабга жавоб бермаслиги оқибатида назардан қолди.

Ҳар томонлама талабга жавоб берадиган бир неча ихтиролар эса ўн йиллар мобайнида ишлаб чиқаришга жорий этилмай сарсон. Бундан нафақат илм-фан, балки пахтачилигимиз жиддий зарар кўрмоқда. Тараққиётда илм-фан аҳамиятини англаб етилган қатор мамлакатларда эса катта ютуқлар қўлга киритилди.

Масалан, Хитой Халқ Республикасида пахтачилик соҳасида яратилган навларнинг тола чиқиши 40 фоиздан кам бўлса, ҳатто синаш учун ҳам қабул қилинмайди. Бизда эса 28—30 фоиз тола берадиган навлар ҳам яхши ҳисобланади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, азиз муштарий, агар ҳозир тола чиқишини ҳатто 35 фоизга етказсак, етиштириладиган пахта салмоғини камайтирмаган ҳолда қанчадан-қанча суғориладиган ерларни бошқа экинлар учун бўшатиб беришимиз мумкин. Бу, халқимиз дастурхонини тўкин қилувчи минглаб тонна қўшимча мева, сабзавот, картошка, дон, гўшт, сут демакдир.

Хўш, ҳозирги вазиятда бунга эришишнинг йўли борми? Биз шундай савол билан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ олимларига мурожаат этдик. Қуйида давра суҳбатида улар айтган фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.

ИҚБОЛИ ПОРЛАГАН «ЮЛДУЗ»

Остон ЖАЛИЛОВ,
«Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор.

Биласиз, республика бюджетининг 65—70 фоизи асосан қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса пахтадан олинади. Пахта бизга тола, мой беради. Толани биз металлга, донга, ёнилғига, ҳатто олтинга алмаштиришимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам назарий фундаментал фанимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири ғўзанинг генетикаси ва селекциясини, ёввойи турларининг айрим қимматбаҳо белгиларини. наслдан-наслга ўтишини чуқур ўрганган ҳолда, келажакда ниҳоятда тезпишар юқори ҳосилли, барги табиий ҳолда тўкиладиган, ҳар хил касалликларга чидамли, тола чиқиши 40—42 фоизгача бўлган, шунингдек вилт касаллилигига бардошли ҳамда илдиз чиришга, баҳорги ёғинсочинларга, совуққа чидамли ғўза навларини яратишдир. Кейинги вақтда Орол денгизининг суви пасайиб кетиши муносабати билан шамол таъсирида, ҳар йили бир неча минг тонналаб туз кўтарилиб, экинзорларга тарқалмоқда. Натижада ерларимиз шўрланмоқда. Шундай экан, генетик селекционер-олимларимиз олдида яна бир муҳим муаммо—ғўзанинг тузга ҳамда қурғоқчиликка чидамли эртапишар, ҳосилдор, тола сифати юқори бўлган навларини яратиш масаласи турибди.

Бизнинг бирлашмамизда яратилган «Юлдуз», «Тошкент—6», «АН—Боёвут—2», «АН—415» ва «АН—510» навлари ҳозирги замон талабига жавоб берадиган навлар ҳисобланади. Бу навлар тезпишар бўлиб, августнинг охири — сентябрь ойларининг бошларида тўлиқ пишиб етилади. «Юлдуз» нави мен раҳбарлик қилаётган лабораторияда яратилган бўлиб, кейинги йилларда деҳқонлар ҳамда саноатчилар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Шунинг учун бу нав тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

«Юлдуз» навининг тараққиёт даври 110—120 кунни ташкил этади. Тезпишар, интенсив равишда очилади. Бир кўсакда очилган пахтанинг оғирлиги 6,0 — 8,5 граммгача боради. «Юлдуз»нинг толаси оқ рангли. V тип, тола узунлиги 33—34 мм. бўлиб, жаҳон андозаси талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу навдан ҳозирги экилаётган «Оқолтин», «АН—Ўзбекистон—3», «АН—Боёвут—2», «С — 4727», «С—9070», «Қирғиз—3», «С—6524», «Бухоро—6» навларига нисбатан 5,5—8,8 фоизгача кўп тола олиш мумкин. Шунингдек, 5—12 центнер кўп ҳосил беради. Яъни ер майдонларини кенгайтирмаган ҳолда, гектар ҳисобига қўшимча 15—20 фоиз кўп тола олиш мумкин. Мазкур нав экилган майдонларда ҳосилни қисқа вақтда (узоғи билан 10 октябргача) ёғин-сочинга қолдирмасдан саранжомлаб олса бўлади.

«Юлдуз» ғўза навининг яна бир хусусияти шундан иборатки, ҳосил ҳамда толани кўп бериши ҳисобига ҳар минг гектар ердан камида 200—220 гектар сувли ерни иқтисод қилиш мумкин. Буни қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин: «Юлдуз» ва «Қирғиз—3» навларидан бир хил — 30 центнердан ҳосил олинди, дейлик, «Қирғиз—3» нави 30—31 фоиз, «Юлдуз» эса 36—37 фоиз тола беради. Бу эса минг гектардан қўшимча 150 тонна тола олинади ,демакдир. Кўринадики, 100 минг гектар ерга «Юлдуз» нави экилса, қўшимча 15 минг тонна тола олинади.

Халқимизда «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади» деган нақл бор. «Юлдуз» нави 1982 йилда давлат нав синаш участкасига топширилган. Самарали нав бўлишига қарамасдан, бу навни районлаштиришга 7—8 йил керак бўлди. 1989 йилда Самарқанд вилоятида районлаштирилиб, ўша йили Оқдарё туманида элита хўжалиги очилган эди. Лекин айрим раҳбарларнинг навга нисбатан нотўғри муносабатлари туфайли «совуқ урди, вилтга чалинди» баҳонасида ғўза майдонларини бузиб юбордилар. Натижада жами 5 гектар ерда ғўза сақланиб қолди. Лекин йил охирида «бу—нав вилтга батамом чидамсиз» деган баҳонада умуман йўқотилди. Уруғчилик хўжалиги ёпилди. Аммо янги нав ўзининг истиқболли ва самарали эканлигини амалда исботлади. Буни қуйидагилардан ҳам кўрса бўлади.

1992 йили Ғузор туманида бу нав экилган майдонларда режа октябрь ойидаёқ ошириб бажарилди. Илғор бригадаларда ҳосилдорлик 34—46 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 63,5 фоизи 1-навга, 19,3 фоизи 2-навга, 17,2 фоизи 3-навга қабул қилинди Пахта ғарамда 2—3 ой сақлангандан сўнг, унинг сифати янада яхшиланиб, бутун тола 1—2 навга яроқли деб топилди. Тола асосан хорижга экспорт қилинди. Тола чиқиши 32 фоиз мўлжалланган эди. Амалда эса 35,2 фоизни ташкил этди. Қайта экиш ишлари май охири—июнь ойининг бошларида тугатилган эди. «Юлдуз» табиий офатлар туфайли, шунингдек, кузги буғдой ўриб олинган ерларга май ойи охири, июнь ойининг бошларида экилганда ҳам ҳосил октябрь охиригача йиғиб олинди. Режа 108—117 фоиз бажарилиб, ҳосилдорлик 29,6—51 центнер бўлди. 1-навга 60—80 фоиз, 2-навга 20—32 фоиз пахта топширилди.

«Юлдуз» нави об-ҳаво ноқулайликлари туфайли 1993 йил июнь ойининг бошларида экилганига қарамай Ғузор туманида пахта тайёрлаш режаси 1 ноябргача бажарилди. Ўртача ҳосилдорлик 25,8 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навга сотилди.

Нишон туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида октябрь ойидаёқ гектар бошига 43 центнер ҳосил кўтарилди. Унинг 90 фоизи 1 навга, қолган қисми эса 2-навга топширилди.

Сурхондарё вилоятида «Юлдуз» нави экилганида айрим хўжаликлар 6 октябргача режани бажардилар. Масалан, «Оққопчиғай» давлат хўжалигида гектаридан 28,9 центнер ҳосил олиниб, режа 115,8 фоиз бажарилди.

1993 йил «Юлдуз» нави Хоразм вилоятида ҳам экилди. Шовот туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида 28,2 центнер ўрнига 36,8—41 центнердан ҳосил олинди. Хазорасп туманидаги «Хоразм», Боғот туманидаги И. Дўсов номли жамоа хўжаликларида 10 октябргача режа бажарилиши билан бир қаторда, ҳосилдорлик ҳам юқори бўлди. «Юлдуз» навини эккан Беруний туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги аъзолари пахта тайёрлаш йиллик режасини 17 октябрда бажардилар. Ҳосилдорлик 28,7 центнерни ташкил этди. Айрим бригадалар 37 центнергача ҳосил олишди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозир пахтакорлар учун қийин об-ҳаво шароитида ҳам режалар ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган навлар бор. Фақат уларни экиш, уруғини кўпайтиришга имкон яратиш керак. Шундай қилсак, деҳқон хонадонига барака киритиш билан бирга, республика пахтачилигини яна ҳам юқори поғонага кўтарган бўламиз.

СИФАТЛИ УРУҒ-МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Анвар МУТАЛОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Деҳқончиликнинг асоси, бўлғуси мўл ҳосил манбаи ҳисобланган ғўза уруғчилиги мутлақ янгиланишга муҳтож. Чунки ғўза уруғчилигининг аҳволи давр талабига ва ирсият қонунларига жавоб бермайди ва бу соҳада бир қатор камчиликлар мавжуд. Бунинг оқибатида кўп майдонларда паст сифатли уруғ экилиб, ғўза ҳосилига катта путур етказилмоқда.

Ғўза навларини жойлаштиришда уларнинг биологик хусусиятлари, муайян вилоят ва туманнинг тупроқ, иқлим шароитига мослашганлиги ҳисобга олиниши навнинг хўжалик кўрсаткичлари ва маҳсулот сифати юқори, иқтисодий жиҳатдан самара берадиган навларни агроэкологик зоналарга асосли равишда тақсимлаш керак. Мана шу жойда ушбу нав учун кичик пахта тозалаш заводи билан элита уруғчилик хўжалиги очилиши лозим.

Бундай тадбирлар натижасида навларнинг биологик ва механик равишда бир-бирларига қўшилиб ифлосланмаслиги ва хўжаликларни соф уруғлик билан таъминлаш имкони яратилади. Ваҳолонки, республика пахта майдонларида 30 дан зиёд районлаштирилган навлар экилмоқда.

Бу навларнинг бирортаси ҳам уруғларнинг тозалиги жиҳатидан давлат андозасига тўғри келмайди. Шу туфайли ҳар йили баҳорда керагидан 3—4 ҳисса кўп чигит экишга мажбур бўлиняпти.

Масалан «Юлдуз» нави 1990 йилда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига иқлимлаштирилган эди. Бу нав 1993 йилда Қашқадарё, Хоразм, Наманган, Сурхондарё Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятларида 144 минг гектарни эгаллаган бўлса ҳам, фақат Қашқадарё вилоятида битта элита хўжалиги бор, холос.

1991 йили иқлимлаштирилган «АН—510», «АН—410» навлари ва 1993 йили иқлимлаштирилган «АН—415» нави учун ҳанузгача бирорта элита хўжалиги очилмаган.

Бу далиллар шуни кўрсатадики, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалик академияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар пахтачилик тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган «АН — Ўзбекистон—3», «Самарқанд—3», «АН—510», «АН—410», «АН—415», «Тошкент—6», истиқболли «АН—Ҳосилдор», «Орзу», ўта эртаки «Чиллаки—1» навлари уруғчилигига эътибор бермаяптилар. Ваҳолонки бу навлар эртапишарлиги, ҳосилдорлиги ва айниқса тола сифатининг афзаллиги жаҳон андозасига жавоб бериши билан ажралиб туради. Афсуски, ғўза ҳосилдорлиги ва уруғчилик муаммосини фақат селекция йўли билангина ечиб бўлмайди.

Шунинг учун ғўза уруғчилиги соҳасида давлат тартиби ўрнатилиши зарур, деб ҳисоблайман. Чунки амалдаги тартиб-қоидалар пахтачилик тараққиётига фақат тўсиқ бўлади, холос.

Менимча, ғўза селекцияси ва уруғчилигини тубдан яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

— уруғчилик билан шуғулланадиган мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш даркор. Бунинг учун қишлоқ хўжалик дорилфунунларида махсус факультетлар очиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак.

— барча даражадаги элита-уруғчилик хўжаликларини пахта қуритиш, тозалаш ва уруғларни туксизлантирадиган, саралайдиган ва дорилайдиган кичик заводлар билан таъминлаш лозим.

— уруғчиликни фақат юқори ҳосилдор, вилт билан зарарланмаган, органик ўғитлар билан таъминланган ва алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйган хўжаликларда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

— элита-уруғчилик хўжаликларида асосий эътибор уруғ миқдорини кўпайтиришгагина эмас, балки сифатига қаратилиши керак. Уруғ ишлаб чиқаришда навларнинг асосий хоссаси, иқтисодий имкониятлари ва уларнинг зоналарини ҳисобга олиш зарур.

— навларни жойлаштиришда, уларнинг биологик хусусиятлари, ушбу туманнинг тупроқ-иқлим шароитига мослашганлиги ҳисобга олиниши шарт. Ҳамда шу туманда муайян нав учун кичик пахта тозалаш заводи билан элита-уруғчилик хўжалиги очилиши керак.

Элита ва биринчи репродукция ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва улардаги пахта тозалаш заводларини илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига бириктириш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки уруғчиликдан асосий мақсад соф нав олишдир. Бунга фақат илмий текшириш институтлари ёки муаллифлар жавоб бериши керак. Фақат бу учта тармоқни бирлаштириш ва моддий манфаатдорлик соф ва сифатли уруғ тайёрлашга замин яратади.

ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Мажид АВАЗХЎЖАЕВ,
биология фанлари доктори, профессор.

Ҳар йили ғўзанинг турли касалликларга чалиниши оқибатида жуда кўп миқдорда ҳосил йўқотилади. Шунинг учун ҳам ўсимликни ишончли ҳимоя қилиш воситаларини яратиш ҳозирги кунда олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки шу йўл билан экин майдонларини кенгайтирмаган, қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда республикада етиштириладиган ялпи пахта салмоғини кўпайтиришимиз мукин. Лабораториямиз олимлари шу мақсадда ўсимликларнинг турли касалликларга чалинишини назарий томондан чуқур ўрганиб, уларни ҳимоя қилишнинг янги усулларини яратмоқдалар. Бу усул ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган кимёвий воситалардан кескин фарқ қилиб, теварак-атрофга зарар келтирмайди, экологияни бузмайди. Яъни, касал туғдирувчи патоген организмлар метаболити ёки физиологик фаол моддалар таъсирида ўсимликлардаги ички имкониятларни сафарбар қилиб, унинг турли касалликларга чидамлигини оширади. Бундай моддалардан бири «Бисол—2» дир. У Бошқирдистон кимёгарлари билан ҳамкорликда яратилган.

«Бисол—2» экологик тоза, безарар бўлиб, ўсимликларнинг турли касалликларга, жумладан илдиз чириш, гоммоз, вилтга чидамлилигини оширади. Бундан ташқари, «Бисол—2» моддаси билан чигит ивитиб экилса. ниҳоллар бир текис, тўла ва тез униб чиқади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, чет элдан тоннаси 4,5 миллион сўмга сотиб олинаётган Бронотак моддасидан 1 тонна чигитга 7 килограмм сарф қилинади. «Бисол—2» моддасидан эса 1—2 тонна чигитга бори йўғи 120—130 грамм ишлатилади, холос.

«Бисол—2» моддасининг кам миқдорда сарф этилиши, уни таъсир кучи бошқа препаратларга нисбатан ниҳоятда юқори эканлигидан далолат беради. Бир неча йиллардан буён Боғот тумани, Фарғона, Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятларидаги қатор хўжаликлар уни қўлланиб келишмоқда. Самараси жуда яхши.

Агар биз яратган «Бисол—2 »моддаси ғўза касалликларига қарши ишончли қалқон сифатида кенг қўлланилса, ўйлаймизки, катта иқтисодий наф кўриш мумкин.

ҲАР ИШНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Файзулла ЖОНИҚУЛОВ,
биология фанлари доктори.

Янги, замон талабига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш — ўта мураккаб жараён. Бу жараённинг амалга ошишини таъминлашда шундай усуллар ҳам борки, уларсиз мақсадга етиш қийин. Бизнинг лабораториямиз ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ирсий белгиларининг ўзгаришини ўрганиш асосида ғўза селекциясида ионлаштирувчи радиоактив изотопларни қўлланиш усулини ишлаб чиқиш ва шу асосда янги эртапишар, серҳосил, сифатли тола берадиган, касалликларга бардошли донорларни яратишдан иборатдир.

Кўп йиллик изланишлар натижасида маълум бўлдики, изотоплар ҳамма ғўза навларига, турларига бир хил таъсир этмас экан. Ғўзанинг ўсиш жараёнига қараб, унинг радиацияга чидамлилиги ҳам ўзгариб туради. Ғўза шонаси радиацияга анча таъсирчан бўлади. Шонани радиоактив фосфорнинг кичик бир дозаси (100 микрокюри) билан нурлантириб, ундан етилган чигитни келаси йили экканда, унинг ирсиятига чуқур таъсир этиб, ундан 60 фоизгача ўзгарган янги , мутант формалар олиш мумкинлиги тажрибаларда исботланган. Шунга асосан ғўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи турлари мексиканум, пунктатум чигитига радиоактив фосфор таъсир эттириб ва кўп йиллик такрорий танлаш натижасида улардан 100 га яқин серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли, сифатли тола берадиган ғўза навлари яратилган. Улардан «АН—401» нави вилт касаллигига ўта бардошли, ва серҳосил бўлиб, у ғўза селекциясида донор сифатида кенг қўлланилиб, бир неча навлар олинган.

«АН—402» радиомутант нави 1974—1978 йилларда давлат синов участкаларида текширилиб, синовдан муваффақиятли ўтди ва 1979 йили районлаштирилди. Бу воқеа радиацион мутагенез соҳасида жаҳонда биринчи қадам бўлди. Мазкур нав ҳозирга қадар вилт билан зарарланган зоналарда экилиб келинмоқда.

1980—1985 йиллар мобайнида «АН—402» навини кўпайтириш учун Фарғона водийсида 5 та уруғчилик хўжалиги ишлади. Аммо кейинчалик турли навлар кўпайиб кетганлиги сабабли унинг майдони камайди. Уруғчилик тўхтади. Аммо биз «АН—402» нави устидаги ишимизни тўхтатмадик. Унинг умрини узайтириш устида ўйладик. Тажриба шуни кўрсатдики, дурагай навлар узоқ муддат (10—15 йил) экилмасдан, омборларда сақлаб қўйилганда униб чиқиш қувватини 100 фоиз йўқотар экан. Радиомутант навларда эса униб чиқиш қуввати бир оз пасайса-да, микромутация жараёни тўхтамаганлиги учун уларнинг умри узаяр, тез пишарлиги 5—7 кунга, вилтга чидамлилиги 15—20 фоизга ошар, тола сифати яхшиланар экан. Шунинг учун биз элита-уруғчилик омборларида сақланиб келаётган «АН—402» навидан фойдаланишни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, янги донорлардан яна бири ғўзанинг трикуспидатум турига мансуб Гамара, ел салвадор, рупестре, мари-галанте формаларидан ҳам бир неча радиомутантлар ва тизмалар яратганмиз. Булар вилтга ўта чидамли, серҳосиллиги, ўрта ва ингичка толалиги билан бошқалардан юқори туради.

Биз радиомутантларни маҳаллий ғўза навлари билан дурагайлаш ва танлаш йўли билан бир неча истиқболли навлар яратганмиз. Булардан «АН—415» нави 1993 йили районлаштирилди ва хўжаликларда кенг қўлланилмоқда. У ўзининг эртапишарлиги, серҳосиллиги ва сертолалиги билан бошқа навлардан ажралиб туради.

ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР

Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор.

Генофонд — ирсият белгиларининг йиғиндиси бўлиб, доимий эволюцион тараққиётда бўлган ўзгаришларни мужассамланган ҳолда сақлаб келаётган манба. Яъни табиат томонидан яратилган олтин бойлик бўлиб ҳисобланади.

Биз ҳозир ғўза генофонди устида тўхталмоқчимиз. Табиатда ғўзанинг қирққа яқин турлари учрайди. Уларнинг ватани Африка, Осиё, Америка ва Австралия қитъаларининг тропик ва субтропик минтақаларидир. Шу ғўза турларидан фақатгина Осиё ва Африкада, Марказий ва Жанубий Америкада 4 та ғўза тури маданийлаштирилган, холос. Аслида ғўза турларининг ҳар бири ўзининг мустақил ирсий белгиларига эга. Яъни, бири табиатнинг шўрланган тупроқларига мослашган бўлса. бошқалари эса ҳашаротларга, замбуруғ касалликларига, қурғоқчиликка бардошли хусусиятлари билан ажралиб туради.

Табиатда учраган шу ғўза турлари пахтачилигимизнинг олтин бойлиги бўлиб ҳисобланади. Чунки буларнинг ҳар бирида йиллар мобайнида шаклланиб, сақланиб келаётган ирсий белгилар мавжуд. Буларни ўрганиш маълум бир табиий тизимга солиш, эволюция ва филогенетик такомиллашиш йўлларини очиш ҳамда булардан генетика ва селекция йўналишларида фойдаланиш вазифамиздир. Ҳолбуки, дунёда одамларнинг кўпайиши, фан-техниканинг ривожланиши натижасида янги ерларни ўзлаштириш кенг миқёсда бормоқда. Бунинг натижасида кўп ёввойи ғўза турлари сақланиб қолиши хавф остида.

Шунинг учун ҳам биз ғўза генофондида кўп йиллик сафарлар натижасида йиғилган 5 мингга яқин маданий ғўза турларига оид нусхаларни ва 30 дан ортиқ ёввойи ғўза турларини кўз қорачиғидай сақлаяпмиз. Уни ўрганиб, керакли белгиларини ҳозирги замон фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда маданий ғўза турларига ўтказиш асосий йўналишларимиздан бири бўлиб ҳисобланади.

Ғўза генофондини аҳамиятини кўрсатиш учун ўзимизнинг қисқа даврда ўтган пахтачилик тарихимизга назар ташлаш кифоя. Масалан. асримизнинг 60-йилларига келиб деҳқончиликда кўплаб «108—ф», «С—4727» навларини экиш ҳамда алмашилаб экишга риоя қилинмаслиги натижасида сўлиш касаллиги авж олиб кетди. Бу пахтачилигимизни хавф остида қолдирди. Тавсия этилган механик ҳимоя усуллари бу касалликларни йўқ қила олмади. Натижада биз ғўза генофондига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Изланишлар кўрсатдики, бизнинг институтимизда йиғилган ғўзанинг дунё коллекцияси ичида ярим ёввойи Мексика ғўза турига оид нусха юқорида айтилган сўлиш касаллигига чидамли экан.

Шу нусхани чатиштириш усуллари билан касалликка чидамлилик хусусиятини экилаётган ғўза навларига ўтказишга эришдик.

Кейинги йилларда вилт касаллигига бардошли Мексика турига мансуб бўлган «Юкатан» ярим ёввойи ёки маданийлаштирилган тропик нусхалардан фойдаланиш ҳамда «Перу» ғўза турининг гермоплазмасидан фойдаланиб вилт касаллигига бардош бера оладиган ҳосилдор яхши ва сифатли толали янги ғўза навлари яратишга муваффақ бўлинди.

Шундай қилиб, бизнинг лабораториямизда сақланиб ва ўрганилиб келинаётган ғўза генофонди ўзининг кўп қиррали белгилари билан ғўза генетикасини ва селекциясини турли табиат офатларига бардошли, ҳосилдор, ингичка ва пишиқ толали, мойга бой, сифатли, тезпишар, барглари табиий ҳолда тўкиладиган ғўза навлари яратиш ёрдам беради. Юқорида номлари қайд этилган истиқболли навлар бунинг исботидир.

Хуллас «Билак билан битмаган билим билан битар» деганларидек, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланмасдан туриб жаҳонда ўз салобатимизни, куч-қудратимизни кўрсата олмаймиз.

Шундай экан, бундан буён турли илмий ишланмалар, уларнинг ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топиши ҳақида рўзнома саҳифаларидан мунтазам жой ажратиб туришни лозим топдик. Ҳурматли муштарийлар, олимлар ва мутахассислар! Ана шу масалада Сизни яна қандай масалалар қизиқтиради? Қандай ютуқлар ва камчиликларнинг шоҳидисиз. Шулар ҳақида ёзиб юборинг. Зеро, «Бирлашган ўзлар», деганларидек, бир ёқадан бош чиқарсак, албатта, мақсадга эришамиз. Мақсадимиз эса эзгу—юртимизни бой, элимизни фаровон қилишдир.

Давра суҳбатини оққа кўчирувчи
Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Жиззах шаҳрида аҳолининг турли туман моллар ва хизматларга бўлган талабини қондириш йўлида кейинги пайтда анчагина нбратли ишлар қилинаётир. Куни кеча шаҳар марказида янги савдо уйи фойдаланишга топширилди. Унинг фойдали саҳни 600 квадрат метр бўлиб, қурилишига 70 миллион сўмликдан знёд маблағ сарфланди.

— Харажатлар тезда қопланишига аминмиз, — дейди савдо уйи директори З. Даминов. — Шу ернинг ўзида олтита дўкон аҳолига мева-сабзавот маҳсулотлари сотяпти. Бундан ташқари деҳқонларга пуллик хизмат кўрсатяпмиз. Шунингдек, гўшт комбинати, умумий овқатланиш тармоқлари, саноат дўконлари ҳамда шахсий дўкон эгаларига ижарага жой ажратганмиз.

Янги бинода савдо қилиш ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган. Канализация қурилган. Ичимлик суви бор. Машиналар тўхташ учун жой мавжуд. Шунинг учун ҳам савдо уйи доимо харидорлар билан гавжум.

СУРАТЛАРДА: 1 Янги савдо уйи. 2. Сотувчи Ширин Ҳайдарова харидорларга ширинликлар сотяпти.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Табани GROUP OF COMPANIES





Қ У Т Л О В

Покистоннинг «Табани групп оф компаниз» фирмаси ходимлари

Узбекистон Республикаси Президенти, жаноби Ислом КАРИМОВ ҳазрати олийларини ва Ўзбекистон халқини

«Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Фармон эълон қилиниши муносабати билан

МУБОРАКБОД ЭТАДИЛАР

Ана шу Фармон бизларга, хорижий ишбилармонларга ёрдам беришга ва буюк Ипак йўлида тижоратга катта йўл очишига ишончимиз комил.

Сизларга яхши умидлар мададкор бўлсин.
Муҳаммад АББОС ХОН.

«Табани групп оф компаниз»нинг Урта Осиё ваколатхонаси бошқарувчиси.

Катта Миробод кўчаси, 158-уй.

Тел: 54-06-70, 55-35-49, 54-07-98.

Факс: 54-08-30.

Телекс 116416 ТАБАНИ СУ.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Халқ ризқини қийишга рўжу қўйганлар типирчилаб қолишди: Улар Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушланиб, кирдикорлари фош этилди.

● Косон тумани 1-пахта тозалаш заводи тайёр маҳсулотлар бўлимининг молшуноси Шойқул Йўлдошев Косон темир йўл нақлиёти ходимлари билан тил бириктириб, Россия Федерациясининг Вышний-Волчок шаҳрига 36 тонна 119 килограмм пахта толасини ҳеч қандай рухсатномасиз жўнатаётганда ушланди.

Йўлдошев устидан тўпланган материаллар вилоят прокуратурасига берилди. Деҳқоннинг нонини яримта қилмоқчи бўлганлар кирдикорига баҳо бериш тергов органларига ҳавола.

● Ўтган йилнинг 31 октябрь куни вилоят божхона бошқармасининг 8-пост ходимлари Қарши—Бухоро йўли бўйлаб бораётган «Х 63-48» ТН» рақамли КаМАЗ автомашинасини тўхтатиб, текширишди. Натижада Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган ҳайдовчи Геннадий Митрофонов шериги Станислав Пахомов билан бирга 14 миллион сўмлик 20 минг дона бадиий китоб олиб кетаётганлиги аниқланди. Китоблар «Ташкинига» ташкилотига қарашли 50-ижара дўкони мутасаддилари томонидан Москвадаги «Ирис» фирмасига олиб бориш учун ҳужжатлаштириб берилган.

Китоблар давлат ҳисобига мусодара қилиниб, айбдорларга тегишли жарима солиш ҳақида ҳужжат тайёрланаётганда улар божхона катта лейтенанти Б. Тўхтаевга 1993 йил муомалага чиққан Россия рублидан 250 минг сўм пора таклиф этади. Эвазига ҳужжатларни йўқ қилиш ва китобларни қайтариб беришни сўрайди. Станислав Пахомов жиноят устида қўлга олинди.

● Қарши темир йўл шоҳбекатидан 9 ноябрь куни Конибодом-Душанбе поездига чиқаётган шубҳали шахс тўхтатилди. У Қарши туманининг Нуқрабод қишлоғида яшовчи фуқаро Бобур Раҳматуллаев экан. Раҳматуллаев ҳар бири 12 минг сўм турадиган 104 та комплект чойшабни Қарши бозоридан 1 миллион 248 минг сўмга сотиб олиб, Тожикистон Республикасига олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Божхона ходимлари қўлга киритган буюмлар давлат ҳисобига мусодара қилинди.

● Шунингдек, Конибодом — Душанбе поездига чиқмоқчи бўлиб турган Тожикистон фуқароси Жўрахон Сафаров қўлидан 2 миллион сўмлик ҳар хил дори-дармонлар олинди.

● Абдуҳофиз Эшимов — Яккабоғ туманининг хўжалик ҳисобидаги автомобиль транспорти корхонасига қарашли «КаМАЗ-53-20» маркали 89-07 КФА машинаси ҳайдовчиси. У катта миқдордаги кира ҳақи эвазига ҳеч қаерда ишламайдиган Умрзоқ Тўраев билан тил бириктириб, 6 миллион 955 минг сўмлик консерва маҳсулотларини мамлакатимиздан ташқарига олиб чиқиб кетаётганида ушланди. Халқ ризқи сақлаб қолинди.

● Баҳористон тумани — Туркманистон Республикаси билан чегарадош. Бу ерда кейинги пайтда ноқонуний ҳаракатлар кўп содир бўляпти. Масалан, туман қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш идорасига қарашли 57-90 КФМ рақамли машина ҳайдовчиси Нурали Байрамов халқ мулкини четга ташиб чиқаришда рекорд қўймоқчи эди. Бўлмади. У давлат машинасида Туркманистон фуқароси Орун Жумаев билан ҳамкорликда ҳаммаси бўлиб 7 миллион 375 минг 500 сўмлик қурилиш бўёқлари, қоракўл тери, қарбид, сатин материали, спиртли ичимликни Туркманистонга олиб кетаётганда қўлга тушди. Унга 27 минг сўм жарима солинди.

Афсуски, бундай далиллар ягона эмас.

— Бузоқнинг юргани сомонхонагача, деган гапда жон бор, — дейди Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Тошпўлат Одилов. — Эл-юрт мулкини талон-торож қилиб, уни республикамиздан ташқарига олиб кетишга рўжу қўйган нопок шахслар қаттиқ янглишадилар. Ходимларимиз ундайларга қарши ҳамиша сергак туришибди.

Ўтган йилнинг январь ойидан ноябрь ойигача вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан 354 миллион сўмликдан знёд товар-моддий бойликлар ушлаб қолинган бунинг исботидир.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ажаб савдолар*

СУТНИ КИМ ИЧМАЙДИ?

ЁКИ ФЕРМЕРЛИК ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қароридан сўнг 1992 йил март ойидан бошлаб мамлакатимиз миқёсида деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ер ажратиш ишлари авж олиб кетди. Чунончи, Бўка туманида ҳам шу йили 41 та фермер хўжалиги тузилди. Аммо иснриқ солинмаганидан кўз тегди шекилли, йил охирига борибулардан 10 таси тугатилди-қўйди. Қаранг, яхши ниятнинг ҳам умри шунчалик қисқа бўлар экан! Афтидан хўжаликлар ва туман раҳбарлари етти ўлчаб, бир кесишни ўринга қўёлмаган бўлсалар керак. Ёки собиқ совет давридан мерос қолган ҳайбаракаллачилик кўпигига шўнғиб кетилдимикан-а. Ҳар ҳолда бу ёғи бизга қоронғу.

Лекин шуниси аниқки, орадан бир совлиқ туққанча вақт ўтди-ю яна 18 та фермер хўжалиги «тор-мор» этилди. Ўтган йилнинг августида Бўка тумани фаоллари йиғилишида туман ҳокими Қ. Элчибоев хўжалик раҳбарларига шундай дашном берган эди: «...Ўртоқлар, бу йил бор-йўғи 5 та фермер хўжалиги тузилди, холос. Фермер хўжаликлари кўпайиб бориш ўрнига тобора камайиб кетмоқда. Ахир, бу давр талабидан мутлақо ортда қолиш-ку!»

Қизиқ, бу дашном кимга қаратилган эди? «Давр талабидан мутлақо ортда қолишга» ким сабабчи? Ахир, юқоридаги фермер хўжаликларини тугатиш тўғрисидаги ҳужжатга ҳурматли ҳокимнинг ўзи имзо чекмаганмиди?! Агар қатор хўжаликларда «бу ишда суст кашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилаётгани маълум» экан, нима учун бу иллатларга қарши ўз вақтида кескин чоралар кўрилмади?

Охир-оқибати шу бўлдики, вилоят бўйича ярим йиллик якунида ҳар бош сигирдан 1292 литрдан сут соғиб олиниган бўлса, бу кўрсаткич туманда 964 килограммни ташкил этди, холос. Мавжуд 21 хўжаликдан бирортаси ҳам йиллик сут сотиш режасини 50 фоиз ҳам бажара олмади. Улар орасида йиллик режани тўртдан, бешдан бир, ҳатто ундан ҳам кам бажарганлар бор. Фермер хўжаликларини тугатиш ва кўпчилик хўжалик раҳбарларининг бу долзарб соҳага панжа орасидан қараётгани дард устига чипқон бўлди. Ҳа, гап бошқа-ю иш бошқа қабилида тутилган йўл ҳеч қачон мақсад сари олиб бормайди. Чорвачиликнинг бундай оғир аҳволга тушиб қолишининг асосий сабабини энди тушунгандирсиз.

Бу соҳага панжа орасидан қараётганлар сафига туман доирасидаги айрим раҳбарларни ҳам қўшсак адолатдан бўлса керак. Чунки туман ҳудудида ўзлари гўшт, сут етиштириб, аҳоли эҳтиёжини қондириш ўрнига шаҳар бозорига харид учун қатнаётган чорвадор тўғрисида яна ким ғамхўрлик қилиши керак? Ёки туман ҳокимиятидагилар ва бу тармоққа мутасаддилар бўзчи белбоққа ёлчимайди, деган нақлга амал қилишяптими?! Наҳотки, улар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини чорвачилик ва сабзавот ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда фермер хўжаликларининг устивор аҳамиятга эга эканлигини тушунишмаса?!

Қурук қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Фикримизни далиллаш учун биргина мисол келтирсак. 1991 йилда «Мустақил Ўзбекистон» (собиқ «Партия ҳаёти» съезди») жамоа хўжалигида аввалроқ тузилган фермер хўжаликлари мазкур жамоа билан тенг миқдорда—давлатга 130 тонна сут сотдилар. Фарқи шундаки, жамоа хўжалиги бу маҳсулотни минг гектар ердан олинган озуқа ҳисобига сигирларни боқиб етиштирган бўлса, фермер жамоалари атиги 40 гектар майдондан йиғилган ем-хашак эвазига олишга эришдилар. Демак, бундан фермерларни кўпайтириш ёки тарқатиб юбориш керакми, деган хулосани чиқариб олиш икки карра икки тўртдек оппа-осон.

«Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги қошида ташкил этилган 18 та фермер хўжалиги ичида «Дилшод» деб номланган фермер жамоаси бор. Бошлиғи Маҳсуда Пайшанова. Унинг турмуш ўртоғи Баҳром Пайшанов мазкур колхоз раиси, аёл киши бўлса ҳам унинг топган-тутганига қаноат қилиб, маҳсулотлар қайси ташкилотга қачон, қандай шароитда топширилгани юқорида кўрсатиб ўтилган эди. Кейинроқ буларга «кўлхўз томонидан берилган уй ёнига нега қўшимча уй қурдинг, нега молхона тикладинг» каби айблар тиркалди. Папка қаппайди.

— Ҳозир оиламизда 16 жон бор. Кўлхўз берган уйга сиғмагандан кейин уй қуришга мажбур бўлдик-да, — дейди кўзида ёши билан Маҳсуда Пайшанова, — 25 бош қорамол қишли-қировли кунларда очиқда қолмаслиги учун молхона қурсак, бунинг нимаси жиноят экан? Замон зўрга боқди, фермер эса ноғора қоқди, деганлари шу бўлса керакда...

Хуллас, туман ҳокимининг 1993 йил 12 мартдаги 85-қарори билан «Дилшод» фермер хўжалиги тугатилди. Шундан сўнг югур-югурлар, «ёз-ёзлар», «текшир-текширлар» сарсону саргардонликлар бошланиб кетди. Тафтишчилар қилни қирқ ёришга ҳаракат қилдилар. Узоқ текширувлар жараёнида асаблар таранглашди, вақт беҳуда йўқотилди. «Айбдорлар» эса бола-чақаси билан озмунча азоб чекдими?..

— Бу орада турмуш ўртоғим устидан ҳам «юмалоқ хат»лар думалади, — дейди М. Пайшанова куюниб. — Собиқ кўлхўз раиси М. Ҳайитбоев «раисликни берасан» деб сира қўймади. Шикоятлар кўпаявергач, оч қорним-тинч қулоғим нақлига амал қилган Баҳром Пайшанов шартта ариза бериб, лавозимидан кетди. Ҳозир туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлов идорасида инспектор бўлиб ишламоқда.

Баъзи кишиларнинг янги «ёз-ёз»ларидан чўчиган бўлса керак, туман ҳокими яқиндагина ўзи «яхши кадр» деб эътироф этган хўжалик раҳбарини хамирдан қил суғургандай бўшашга розилик берди. Қизиқ, у ҳолда туман ҳокимининг Баҳром Пайшановга берган қуйидаги тавсифномасини қандай тушунса бўлади?

«Унинг раислик даврида кўлхўзда бош план тузилди. 300 дан ортиқ оила участка олди. 100 ўринли қўшимча синф хоналари, 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона, стадион, маъмурий бино қурилди. 10 километрга водопровод қувури, 15 километрга асфальт ётқизилди. 8 та қудуқ қазилди. Давлат режалари мунтазам ортиғи билан бажариб турилди, 18 та фермер хўжалиги тузилиб, 40 гектар ер майдони ажратилди. Б. Пайшанов ўз соҳасини ўта яхши биладиган мутахассис, республика раҳбарияти қарорларидан тезда хулоса чиқариб оладиган раҳбар...» ва ҳоказолар. Биз бу ўринда собиқ раис Б. Пайшановни яна аввалги раҳбарлик лавозимига тиклаш ниятидан йироқмиз. Бу —(ўз-ўзидан равшан) жамоа хўжалиги аъзолари ҳоҳиш-иродасига, қолаверса маҳаллий ҳокимият тавсиясига боғлиқ. Бу ерда гап асосан оқни оқ, қорани қора деб атай олишимиз хусусида бораётир.

Қиссадан ҳисса шуки, Маҳсуда ва Баҳром Пайшановларнинг тугатилган «Дилшод» фермер хўжалигининг қайта тикланиши йўлида чеккан азоблари, сарсонгарчиликлари зое кетмади. Ноҳақлик ҳақликка ўз жойини бўшатиб берди. Ўзбекистон Республикаси ва Бўка тумани прокуратуралари туман ҳокимининг «Дилшод» фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарорининг ноқонунийлигини далиллаб берди. Баҳром Пайшановга нисбатан қўзғатилган жиноий иш эса унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан ётқизилди. Шулардан кейингина Бўка тумани ҳокими Қ. Элчибоевнинг имзоси билан фермер хўжалиги ўз жойига тикланди. Фақат олдинги қарордан бунисининг фарқи шунда эдики, илгари «Дилшод» шартнома бўйича 10 йил муддатга тузилган бўлса, янги қарорда унга 6,2 гектар ерга эгалик қилиш ҳуқуқи доимийга берилган эди. Яқинда ана шу ҳуқуқни тасдиқловчи А—003064 номерли Давлат акти ҳам фермер хўжалиги бошлиғига топширилди. Бироқ... М. Пайшанованинг таъкидлашича, кўлхўз раиси Ф. Фармонов «Юқорига шикоят қилганларга ер бермайман» деб сўзида қатъий турганмиш. Қолган 17 фермер хўжалигининг тақдири ҳам номаълум экан.

Хўш, нега шундай бўлди? Туман ҳудудининг ўзида ҳал қилиниши лозим бўлган масала нега вилоят, республика миқёсида ўз қозиғини тополмаган арғумоқдек кезиб юришига йўл қўйилди? Бу муаммони ҳал қилишга жалб этилган ўнлаб кишиларнинг ўғирлатган вақтларини ким қайтариб бера олади? Ва, ниҳоят, жабрдийдаларга етказилган маънавий зарарни, руҳий жароҳатни қайси табиб ёки шифокор даволашга кафолат беради? Бу ҳақли саволларга ўз вақтида жавоб беролмаган туман ва вилоят ҳокимликлари энди нима деркин?

Ўтган йили 6 декабрь куни пойтахт вилояти кенгаши сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Бизни боқадиган, бизнинг келажагимизни белгилайдиган жабҳа—бу қишлоқ хўжалиги деганим бежиз эмас. Шундай экан, нега Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ачинарли аҳволга тушиб қолди? Уйлайманки, бу ерда асосий гап ташкилий масалада, кадрлар масаласида. Раҳбарлар жойига қўйилса, тартиб-интизом бўлса, ҳамма муаммони ечиш мумкин».

Бундай хулосага қўшимча қилиш қийин.

Абдунаби МАННОПОВ.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ИСРОИЛ АҚШНИНГ ИТТИФОҚЧИСИГА АЙЛАНДИ

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти Исроилга 20 та янги қирувчи-бомбардимончи самолёт сотишга аҳд қилди.

Ф—15 «ИГЛ» маркали бу самолётларнинг умумий нархи ўтган йилнинг ноябрида келишилгани бўйича 3 миллиард доллар деб белгиланган. Америка авиасозлигининг сўнгги ютуғи бўлган мазкур самолётларни сотиб олиш билан Исроил АҚШнинг бу соҳадаги дастлабки иттифоқчисига айланди.

Энди Исроил ҳарбий ҳаво кучлари ўзининг асосий рақиблари — Ироқ билан Эрон ҳудудининг энг ичкарисидаги объектларни ҳам нишонга олиш имконига эга бўлади, деб таъкидлайди РАТА — ТАСС мухбири.

А. КОЗИРЕВ — ХИТОЙДА

Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев расмий сафари давомида Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминь, Давлат кенгаши раҳбари Ли Пэн ва ташқи ишлар вазири Цянь Цичэн ва бошқа расмий кишилар билан учрашди.

Музокаралар давомида икала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш режалари муҳокама қилинди. Энг муҳими, Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминнинг Москвага сафари муддатлари ўзаро келишиб олинди.

БИРИНЧИ ЯПОН РАКЕТАСИ УЧИРИЛАДИ

ТОКИО. Японияниинг фазовий парвозини бошқарув марказида мамлакатда тайёрланган дастлабки ракетани учириш вақти белгиланди.

Миллий космонавтиканинг фахри ва умиди бўлган «ЭИЧ—2» ракетаси 1 февраль куни соат 7.00 да Японияниинг Танэгасима оролидаги Иосинобу космодромидан учирилади.

Оролдаги фазовий марказ директори, техника фанлари доктори Тосихико Кикуяманинг айтишича, ракета асбоб-ускуналарининг ишончлилик даражаси 96 фоизга тенгдир. Парвоздан мақсад ракетанинг чидамлилигини текшириш баробарида орбитага иккита сунъий ер йўлдошини олиб чиқишдан иборат.

ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРИШ ОҚИБАТИ

БУЭНОС—АЙРЕС. Аргентина Президенти Карлос Менем хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлган кишиларнинг ўзлари жиноятчилар хавф-хатаридан ҳимояланмаган эканлар.

Куппа-кундуз куни Буэнос—Айрес шаҳрининг марказида давлат раҳбарини қўриқлаш хизмати бошлиғи генерал Хорхе Реартенинг автомашинаси ўғирланди.

Тўғри, генералнинг ўзи таътилда бўлган, ҳайдовчиси эса машинани кўчада бир неча дақиқа қаровсиз қолдирган экан.

АРМАНИСТОНДАГИ ОҒИР ВАЗИЯТ

Арманистон статистика Маҳкамасининг маълумотига қараганда, кейинги йилларда бу ерда аҳолининг табиий ўсиши кескин камайиб кетган.

Аҳолишуносларнинг фикрича, ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви, паст турмуш даражаси бунга сабаб бўлган.

Агар 1992 йилда 70 мингдан ортиқ бола туғилган бўлса, ўтган йили бу рақам 10 мингга қисқарди. Турмуш қураётганлар сони ҳам камайиб бормоқда.

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ БИРЛАШТИРИЛАДИ

АНҚАРА. Тўрт араб давлати — Миср, Ироқ, Сурия ва Иордания билан Туркия ҳукумати вакиллари Бағдодда энергетика тизимини бирлаштириш ҳақидаги лойиҳани маъқулладилар.

Дастлабки ҳисобларга қараганда, лойиҳани амалга ошириш ҳар бир давлат учун 300 миллион долларга тушади. Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислом тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда Қувайтда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Янги жамғарма тўрт араб давлати ва Туркия амалга оширмоқчи бўлган ишни ўз ҳомийлигига олмоқчи. Мутахассисларнинг фикрича, минтақанинг иқтисодий юксалишига ижобий таъсир кўрсатадиган бу тадбир XXI аср бошларида ниҳоясига етказилади, деб хабар беради Туркия ахборот маҳкамаси.

ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

ТЕҲРОН. РАТА — ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Покистон раҳбарларини ҳамкорликка чақирди.

Икки давлат чегарасида мустаҳкам тартиб-интизомнинг йўқлиги туфайли гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи қонунбузарлар 7 ой давомида 70 тоннага яқин ана шундай зарарли моддаларни олиб ўтишган. Президентнинг таъкидлашича, Эрон — Покистон ҳамкорлиги минтақавий муаммони ҳал этишда ва ҳар икки мамлакат аҳолиси саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

НЕФТНИНГ НАРХИ ОШИРИЛАДИ

ПЕКИН. Хитой 1994 йилнинг охирида нефть маҳсулотлари нархини кескин кўтаришни режалаштирмоқда.

Хитой нефть ва газ компаниясининг директори Ван Тао декабрь ойида бир тонна нефтнинг баҳоси ички бозорда 800 юан қилиб белгиланишини эълон қилди. Айни кунларда бир тонна нефтнинг баҳоси 200—500 юан атрофида баҳоланмоқда, деб хабар беради Хитой ахборот маҳкамаси.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ, МУНОСАБАТ

ЎЗБЕК КИНОСИ: ЎТМИШ ВА ИСТИҚБОЛ

КИНО санъатимиз мустақил Ўзбекистон шароитида ривож топиши учун унинг тарихини қайтадан ўрганиш ва ёритиш, тажрибасини ўзлаштириш ҳамда ижодий амалиёт билан боғлиқ бўлган назарияни яратиш зарур. Айни бир вақтда киноэстетика масалаларига жиддий эътибор бериш кераклигини ҳам эслатиб қўймоқчимиз. Бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлган бу муаммоларнинг ҳал этилиши ҳозирги ўзбек экран санъатининг эстетикасига, жанрлар тараққиётига, фалсафий теранлигига, бадиий баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис гапни бой мерос ўтмишидан бошлаймиз.

КАДР ОРТИДА ҚОЛГАН МЕРОС

Ҳар бир миллий кинематография, телевидениенинг истиқболи ёндош санъаткорлар ва уларнинг ўз анъаналарига, беш-ўн йиллик, чорак ёки ярим асрлик тажрибаси ўзлаштирилганига боғлиқ. Сабаби: кинонинг тарихи юз ёки минг йилликлар билан ўлчанмайди. У ёш бўлгани сабабли «катта ёшдаги» кўҳна санъатларга эргашади. Иккинчидан, у етук ёшига етиш арафасида босиб ўтган ҳаёт йўлини синчковлик билан ўрганади.

Бу икки шартнинг бажарилиши шу кунга қадар оғир бўлган. Чунки маданий меросимиз тўлалигича ўрганилиши йўлида сунъий тўғаноқлар учраган. Кишининг улғайиш босқичларининг ёритилишида эса марксизм-ленинизм қонунқоидаларига қаттиқ риоя қилиниши талаб этилган. Натижада саржило Шарқ санъатининг дурдоналари — шеърият ва мусиқа, меъморчилик ва тасвирий санъат миллий кинематография ҳамда телевидениенинг пойдевори бўлиши учун шароит бўлмади. Ўзбек киноси ўз қиёфасига, ўз хусусиятларига, услубига эга бўлиши эмас, «кўпмиллатли совет кинематографиясининг бир қисми» сифатида намоён бўлиши қимларгадир керак бўлди. Ушбу мақола муаллифи ҳам шу методологияга кўп жиҳатдан риоя қилган. Ўша қолипдан оз бўлсада, чиқмоқчи бўлганида эса, уни дарҳол «тўғрилаб» қўйишга киришганлар. Расмларимиздан бирида Ленин асарларидан эмас, Форобийдан кўчирма келтирганимизда дашномлар ҳам эшитганмиз.

Эндиликда кинони маданиятимиз таркибининг бир бўлаги сифатида ўрганадиган бўлсак, қўнгилсиз хулосаларга келамиз. Бу санъатда нечун миллий шакллар, ўзига хос хусусиятлар етишмаслигига тушуниб етмоқ учун йўл топамиз. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти, Аҳмад Яссавий фалсафаси, Исмоил Бухорий тафсири, ҳадислардаги оқил ва одил фикрлар, «Қобуснома» тавсиялари, Навоий ва Лутфий поэтикаси, «Бобурнома»нинг илмий теранлиги ҳамда бадиий баркамоллиги, миниатюрамизнинг нафис бўёқлари ҳамда ҳаракатни, ҳолатни аниқ ва беками-кўст тарифлаш учун хизмат қиладиган шакллари, Беҳбудий назарияси ва жадидлар ҳаракати, Фитратнинг илмий кашфиётлари, Чўлпоннинг наср ва назмда орттирган тажрибаси шу ва шу каби юзлаб арбобларнинг илмий ҳамда бадиий тажрибаси, рисолар,девонлар, нафис санъат асарлари кўп йиллар давомида бамисоли «кадр ортида» қолиб келди. Бинобарин, унинг хусусиятлари йиллар давомида кўзга ташланмади. «Кўпмиллатли Совет кинематографияси» деб аталмиш қоришма вужудга келдики, унинг таркибидаги Ўзбек киносини Озарбайжон киносидан, Молдавияникини Латвияникидан ажратиб олиш амри маҳол бўлиб қолди. Зеро, улар асрлар давомида шаклланган ўз миллий меросидан ажралиб қолганди. Иттифоқ кинематографияларидан интернационаллик ниқоби остида миллийлик, унинг ўзига хос руҳи сиқиб олиб ташланаверади. Хайриятки, ўшандай замонларда ҳам ўзликни сақлаб қололган (30-йилларда «Тонг олдидан» ва «Ингит», 40-йилларда «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин саргузаштлари», «Алишер Навоий», 60-йилларда «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап», 70-йилларда «Муҳлис», 80-йилларда «Шўрпешоналар» каби фильмлар, «Лайли ва Мажнун» сценарийси) бадиий картиналар ҳақиқий миллий кино асарларининг фазилатларини кўз-кўз қилиб турди. Шу боис мазкур масала, яъни ҳис-ҳаяжоннинг миллий ифодасини таъминлаш масаласини муайян фильмлар таҳлили ёрдамида ёритиш зарур кўринади. Бу муаммонинг икки қиррасига эътиборни тортиш керак: ҳамкорликда яратилган асарларда миллий руҳ сақланиб қолиниши (ёки сақлаб қолинмаслиги) ҳамда кино амалиёти миллий меросга боғлиқ эканлиги. Бундай мавзу махсус тадқиқотларда ёритилиши, илмий хулосалар эса амалиётга ҳам, кино назариясига ҳам таъсир кўрсатишдан санъат ҳамда унинг мухлислари манфаатдордир. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, эндиликда турк, ҳинд, араб ва хориждаги бошқа ҳамкасбларимиз билан биргаликда сценарийлар ёзиш, фильмлар яратишга фидойилик кўрсатиш керак. Бинобарин, ўзбек-рус, ўзбек украин киноалоқаларидан тўғри хулосаларга келиш зарур бўлиб қолди. Эндиликда ҳамкорлик фақат ўзбек маданиятини бойитибгина (кейинги пайтгача шу фикр илгари сурилади) қолмай, балки рус, украин ва бошқа халқлар маданиятлари учун ҳам катта воқеа бўлганини таъкидлаш адолатдан бўлур эди.

Икки ёки уч мамлакат биргаликда фильм ишлаганида (ҳозирги кун учун бу ниҳоятда долзарб масала) миллийлик масаласи айниқса кескин қўйилиши сабабли ҳам ўтмиш сабоқларини унутмайлик.

ЎТМИШНИ ТАСВИРЛАШ МАШАҚҚАТИ

Тарих ва унинг экрандаги ифодаси, ўтмиш сиймолари ҳамда уларнинг ҳаққоний талқини масалалари ҳам бугунги кун тартибига қўйилиши табиий бир ҳолдир. Зеро, Мирзо Улуғбек ва Хўжа Аҳрор образларининг 60-йиллардаги ҳамда 90-йиллардаги экран талқини ўртасида катта фарқ бор...

Инқилоб, «Босмачилар» ҳаракати таърифланган фильмларга қандай муносабатда бўлиш керак? Ҳусайн Бойқаронинг экрандаги «умри» қандай мулоҳазалар уйғотади? Бу каби саволлар ниҳоятда кўп ва улар бугун ўз жавобини кутмоқда.

Бизнингча, кино санъатимизда шундай истеъдодли, ўткир заковатли қалам соҳиблари, режиссёрлар, актёрлар ижод этганки, улар ўз асарларига тарихий ҳақиқатга зид бўлган концепцияларни асос қилиб олганларида ҳам ҳаяжонли кадрлар, образлар яратган вақтлари кўп бўлган. Чунки «Ровот қашқирлари» (1927), «Осиё устида бўрон» (1964), «Фавқулодда комиссар» (1970), «Еттинчи ўқ» (1972) каби фильмлар инқилобни мадҳ этди, унинг посбонларини улуғлади. Бадиий жиҳатдан анчагина пухта ишланган бу асарлар кино тарихида ёркин асарлар сифатида қолади, албатта. Гап Сулаймон Хўжа Содиқ исмли ўзбек деҳқонининг фазилатларини намоён эта олганида. Суйменқул Чакморов Низомиддин Хўжаевнинг маънавиятини, Ҳамза Умаров Мадаминбекнинг фожиасини очиб берганидагина эмас. Бу ўринда мулоҳазамиз мазкур экран асарларининг эстетик шакли, гўзаллиги, бадиий тўқимачининг мураккаблиги ва сермазмунлиги билан боғлиқ. Шу боис илмий тадқиқотларда бундай асарлар четлаб ўтилмаслиги, қораланмаслиги ва ўша мураккаб даврнинг маҳсули сифатида таҳлил қилинмоғи, баҳоланмоғи керак.

Бундай асарларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишда синчковлик қилиш, сиёсатлаштирилган, коммунистик мафкурага бўйсундирилган маданий ҳаётга холис баҳо бериш, кинони бошқа санъатлар билан боғланган ҳолда тадқиқ қилиш талаб этилганини эсланг: М. Шолохов ва Ойбек асарларида таърифланган инқилобчининг йўли экранда ҳам қайтарилмадими?! В. И. Ленининг «Санъатлар ичида энг муҳими» ҳақида айтган фикрлари заминида тайёрланган кино сиёсати амалга оширилиши натижасида инқилобчига айланган деҳқонлар образлари янглишган, иккиланган, лекин пировардида социалистик тузумни ҳимоя қиладиган «Милтиқли киши» бўлиб етишган бир хил образлар адабиётда, саҳнада, экранда мўл эмасмиди? Бу андозадан оз бўлса-да, четга чиққан бирорта кадр, лавҳа, талқин Марказ томонидан қабул этилмасди. Бир икки мисол келтирай:

Туроб Тўланинг А. Файнберг билан ҳамкорликда ёзган «Суюк момо» сценарийси экран юзини кўришига бадиий кенгаш аъзолари ишонмаганлари ёдимда. Бу бақувват асарнинг бир «нуқсони» — ундаги асосий фикр—ўзбек қишлоғи инқилобни, унинг элчиларини қабул этмайди. Асар қаҳрамонлари кўп иккиланиши, шубҳаланиши уқтирилади... Сценарийга ижобий баҳо берганмиз. Лекин у экранга кўчирилишига «кўзимиз етмаслигини» ҳам билдирганмиз. Бахтга қарши ҳақ бўлиб чиқдик. Драматург ўз асари экранда жонланганини кўришга муяссар бўлмади.

«Тонг олдидан» фильмида эса ўзбек йигити кўрган азоб-уқубат, фарзандларини мардикорликка беришга рози бўлмаган оналар, оталарнинг исёни катта эҳтирос билан кўрсатилди. Ҳақоратланган ўзбек боласи, калтакланган деҳқон, ўққа тутилган қишлоқ, ҳалок бўлган гўдаклар фильмда намоён бўлди. Экрандан шундай ҳақ гапни айтган муаллиф, режиссёр ва актёр Сулаймон Хўжа тезда ҳибсга олинди-ю не-не қийноқлардан кейин қатл этилди...

Сулаймон Хўжа каби улкан истеъдод ва заковат соҳиблари миллий кинематографиямизда ижод этгани билан фахрлансак арзийди. Улар биз тилга олган андозаларни бузиш, тарих, ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб ижод этиш учун бирмунча замин тайёрлаш йўлида меҳнат қилдилар, жасорат намунасини кўрсатдилар.

Актёр Асад Исматов ўзининг Ҳусайн Бойқаро образи устида ишлаган дамларини эслаб ёзган икки жумласи мени

Унинг тарихи қайси санадан бошланади?

Миллий кинематографиямизнинг байрам кунини қандай белгилаймиз?

Бу саволларга илмий, асосли жавоб топиш фақат кино арбоблари ёки мухлислар учунгина эмас, балки кенг маданий ва сиёсий ҳаётимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки энг биринчи кино арбоби Худойберган Девонов 1908 йилда суратга олган кадрларни излаб топсак, «ўзбек киноси — Октябрь меваси» иборасига барҳам бериларди. Иккинчидан, Хоразмда, Хивада деярли 100 йил муқаддам жажжи фильмлар яратилгани исбот этилса, Ислом дини суратчиларни, киночиларни таъқиб қилган деган, бўҳтонга ҳам чек қўйиларди.

Мазкур масалани ҳал этиш учун Франция фильмотекаси фондида сақланиб келаётган катта ва кичик фильмларни кўриш, ўрганиш, ҳужжатларга мурожаат этиб, ўша тасмалар кимга тегишли эканлигини аниқлаш зарур. Хоразмда, Тошкентда, Красногорскда, Москвада топилган ҳужжатлар ҳамда ўша фильмлардан қолган суратларга қараганда биринчи ўзбек оператори инқилобдан илгариёқ суратга туширишни ўрганиб олганини ва унинг устозлари немис ва француз кинематографчилари бўлганини билиб оламиз. Ҳозиргача сақланиб келинаётган «Поте» суратга олиш аппаратини ҳамда тасмани, бошқа жиҳозларни французлардан сотиб олганлигини ҳам. Ўша кезлари Туркистонга кино Ватани бўлмиш Франциядан операторлар тез-тез келиб туришган. Тошкент, Хива, Самарқандда томошалар қўйилгани ва йиғилганларни суратга олишгани ҳақида Туркистон газеталари хабарлар ҳам бериб турган.

Шу боис француз ҳамкасблари билан узвий алоқада бўлган ўзбек кинооператорининг илк кадрлари Парижда кўрсатилганига, бинобарин, ўша кинолавҳалар ҳозир ҳам сақланиб келинаётганига ишончимиз комил. Девоновнинг шахсий архиви йўқ қилиб ташланган, машҳур француз фильмотекасида жаҳон кинематографиясининг ранг-баранг асарлари сақлаб келинишини назарда тутиб, Парижга илмий-ижодий сафар уюштиришни лозим деб биламиз. У ерга бориб аввало юртдошимиз тайёрлаган кадрларни излаб топиш, сўнгра Туркистон кўринишларини, туркистонликларни 100 йил муқаддам суратга туширган француз операторларининг кинолавҳаларини кўриб, улардан нусхалар олишни кечиктириб бўлмайди. Мазкур кадрларнинг эстетик, сиёсий, илмий-этнографик тарихий қиммати қанчалик баланд эканлиги муштарийларга яхши маълум деб ўйлаймиз. Ана шунда бу фильмлар, ҳужжатларни бизда мавжуд бўлган сурат, ҳотира, хатлар билан қиёс қилиб ўзбек киносн туғилган кунни аниқ белгилаш ҳам мумкин бўлади.

Балки ўзбек киносининг тарихини биринчи бадиий фильмиз «Бахт қуёши» суратга олинган ва экранларга чиқарилган 1925 йил деб ҳам ҳисоблаш мумкин бўлар. Ёки Файзулла Хўжаев ўзбек кино-ширкатини ташкил этиш тўғрисидаги қарорга имзо чеккан санани ҳам олиш мумкиндир. Лекин бундай ҳолда миллий кино санъатимиз тарихида ўзимизни «камбағаллаштирган» бўлмаймизми? Нега энди Ўрта Осиёда биринчи бўлиб қўлига камера олган, шогирдлар етиштирган бизга қадар кадрлар қолдирган, лекин ўзи қатағон қилиниб, отиб ташланган Худойберган отанинг жасоратини янада қадрлаш керак.

Туркистонда кино томошалари шу тарзда ўтган.

ЎЗБЕК КИНОСИ: ЎТМИШ ВА ИСТИҚБОЛ

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ: ТУРКИСТОН КИНОТЕЛЕДОРИЛФУНУНИ

Биз тилга олган ва кўпгина бошқа муаммолар, аввало ижодий техник, илмий, иқтисодий, ташкилий масалалар билан шуғулланишга ҳамда уларни ҳал этишга қадар бўлган юксак малакали мутахассислар етиштириш зарурлигини кўрсатади. Ҳозир студияларда ҳамда илмий марказларда ишлаб турган кино ва телевидение ходимларининг ҳизматларини қадрлаган, имкониятларини юксак баҳолаган ҳолда уларнинг сафи кенгайишига катта эҳтиёж борлигини бугун айтиш зарур. Маданий меросни кино ва телевидение нуқтаи назаридан ўрганиш томошабиннинг бадиий дидини тарбиялаш ҳамда ҳар бир фильм ва телекўрсатувнинг таъсир кучини ўрганиш билан боғлиқ. Бу муаммолар билан шуғулланиш ҳамда уларни юқори савияда ҳал этиш учун махсус билим юртида кино ва телевидение техникасини, эстетикасини ўрганган, миллий анъаналарни, асрий тарихимизни, бой меросимизни ўзлаштирган, 2—3 тилни биладиган ёшлар зарур. Бу мулоҳазани турли минбарлардан қайта-қайта айтаётганимизга сабаб шуки, бизнингча, ўзбек кино ва телевидениесининг бугунги куни, яқин келажаги янги ижодий, илмий, иқтисодий техник кадрларни тайёрлай олишимизга ҳамда улардан унумли фойдаланишимизга боғлиқ. Юқорида тилга олинган миллийлик, ўзбекона руҳ кинога, телевидениега сингиб кетиши қийин бўлаётганига ҳам сабаб шу техникани ўзлаштирган кадрларда қадриятлар, мерос ҳақидаги чуқур билим, бадиий тажриба, фалсафий теранлик етишмаслигидир. Ҳаётни кўрган, тарихдан хабардор бўлган ўрта ёшдагиларга, улардан олдинги авлодга нисбатан фикрлаш, ҳозирги техникани мукаммал эгаллаш, тил ўрганиш, тинимсиз меҳнат қилиш оғир туюлиши табиий, албатта.



«Сен етим эмассан» (1962) фильмидан кадр.

Кино ва телевидение дорилфунунини ҳозирги кунда таъсис этиш иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда оғирлигини ҳис этган ҳолда, бу масала кун тартибида туриши зарурлигини алоҳида қайд қилардим. Зеро, ижоднинг бу мураккаб соҳаси ҳамиша барчанинг диққат марказида. Фильм ва кўрсатув мухлисларининг сони миллионлар билан ўлчанади. Бинобарин, ўша маҳсулот мустақил Ўзбекистон учун, унинг мафкураси учун хизмат қилиши керакми? Шундай экан, экран асарлари заминидаги гоя ҳам, унинг бадиий-публицистик ифодаси ҳам юқори савияда бўлиши зарур. Мавзу қанчалик долзарб, қизиқарли бўлмасин, уни ёритишда қўлланиладиган бадиий воситалар ўша фильм ёки кўрсатувнинг тақдирини белгилаб беради. Ушбу шаклнинг нафислиги ва мазмуннинг чуқурлиги эса биз орзу қилаётган мутахассис билимининг кенглигига, пухта тайёргарлик кўрганига, зеҳни ўткирлигига, истеъдоди қирраларига ҳамда Ўзбекистон ғояларига содиқлигига боғлиқдир.

Энди ўша орзу-умидимиз ушалиб, тасаввуримиздаги кино-теледорилфунуни қад кўтарсаю, унда биринчи маъруза ўқилса, қандай мавзу танлардик? Бизга қолса Аҳмад Яссавий тариқатини, Форобий фалсафасини, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини, меросимизни чуқур ўзлаштирмаганимиз боис ўзбек кино ва телевидениеси кўп йиллар давомида тақлид билан банд бўлганимиздан гапни бошлардик. Ахир, ўз фалсафасига, мустақил ғоявий пойдеворига, назариясига эга бўлган санъатгина миллий анъаналарга таяниб, ўз йўлидан бориши мумкин. Эсланг: ислом файласуфи Абу Носир Форобий ўз таълимотида санъатларни бир-бирига қарши қўймаган, аксинча, уларнинг ўзига хос фазилатларини таърифлаган. Ҳар бир санъат ўз хусусиятларига эга эканлигини соддагина қилиб таърифлаган: «Санъатларнинг бир-биридан афзаллиги уларнинг ҳар бири турли ижод соҳаларига тегишлилигида ва бир-биридан устун туришида». Демак бир санъат бошқа барча санъатлардан муҳимроқ, афзалроқ деб таърифланмайди. Ҳар бир санъат бошқасидан устун туриши қайд қилинадики, бу ҳол ижод аҳлини ҳам, уларнинг мухлисларини ҳам бадиий фаолият имкониятлари, хусусиятлари ҳамда чегаралари ҳақида ўйлашга ундайди. Комусий билим соҳибининг синтетик санъат ҳисобланмиш кино ва телевидение учун ниҳоятда зарур бу мулоҳазаларини ўқиганингизда кино ва телевидение аҳли аслида ёзиш ва чизишни, сўзлаш ва техникадан фойдаланишни, актёр билан ишлашни, режиссура, ижро, тасвир, мусиқа сирларидан воқиф бўлиши талаб этилишидан ҳайратга тушасиз. Гўёки санъатларнинг синашта услуб ва воситаларидан фойдаланишга имконият очадиган, кино ва телевидениедаги ижод назарда тутилиб ёзилгандек туюлади: «Санъаткорлар бир-биридан билим миқдори жиҳатдан фарқ қилишлари мумкин. Масалан, икки ҳаттотдан бири ўз соҳасида кенгроқ, иккинчиси эса озроқ билимга эга бўлиши мумкин. Бу санъатнинг ўзига келсак, у тилшунослик, риторика, ҳаттотлик ҳамда арифметика соҳаларидаги маълум тушунчалар бирикмасидан иборат. Санъаткорлардан бири хушхат бўлиши ва айни бир вақтда нотиқлик санъати назариясидан хабардор бўлиши ҳам мумкин. Иккинчиси тилшунослик соҳасида маълум билимга эга бўлиши, шу билан бирга нотиқлик санъати ва ҳаттотликнинг айрим унсурларини ўзлаштирган бўлиши мумкин. Учинчиси эса тўртала санъат соҳасида ҳам маълумотн бўлиши мумкин, — деб фикр юритади Форобий ижодкорнинг малакаси, билими, имкониятлари ҳақида. Сўнгра «сифат афзаллик» мавзуида мулоҳаза қилади ва билимдон санъаткорлар баҳсида уларнинг ҳар бирининг қобилияти, ички имкониятлари ҳал қилувчи амал бўлишини қайд қилади. «... Ёзиш санъати унсурларини ўзлаштирган икки ҳаттотнинг қайси бири шу ўзлаштирилган соҳада кучлироқ ва маълумотлироқ бўлса, ўша устунлик қилади». Соддагина кўринадиган бундай мулоҳазалар илмий қимматга эга бўлиш билан бирга илм толибига, санъаткорга муайян кўрсатма бериши билан ҳам қимматлидир.

Кино ва телевидение аҳлининг бадиий бисотини кўҳна дунё алломалари, шоиру-фузалолари билан бирга асримизда таваллуд топиб, ижод нашидасини сурган, лекин социалистик тузум, Сталин қатағони қурбонларига айланган Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир кабилар ҳам бойитиши мумкин эди. Бири амалиётга ижобий таъсир этиши муқаррар бўлган илмий назария билан, иккинчиси насрий асар ёзишдаги тажрибаси билан, учинчиси шеъриятдаги образиллик, кўтаринки руҳни янги санъатга татбиқ этиши билан, яна бири 20—30 йилларда устун турган фикрлар силсиласини кинога олиб кириши билан қадрли бўлмоғи мумкин эди. Афсус бундай бўлмади. Қатағон бўрони асл зиёлиларимизни, уларнинг маслакдошларини олиб кетди. Уларнинг бой меросини ўрганиш қатъиян ман этилди. Ўша авлод вакиллари Фитрат ва Ғулом Зафарий илгари сурган ва истиқболи порлоқ кўринган назария илм-фан учун ҳам, санъатимиз учун ҳам катта йўл очиши мумкин эди. Донишмандлар битмас-туганмас мусиқа меросимизни шунчалик билганлар, ором, эстетик завқ олганларки, мақом куйларига мос келадиган рангларни ҳам аниқлаш арафасида бўлганлар. Айрим мақом йўлларига мос келадиган рангларни топганлар ҳам. Кино ва телевидение ижодкорлари уларнинг эндигина шаклланаётган назариясини ёдда тутиб, Фитрат ва Ғулом Зафарий таклиф этган фикрлаш йўлини ўрганса, яқиндагина бизга замондош бўлиши мумкин бўлган алломалар техник санъатлар ва улар ҳақидаги фан учун зарур бўлган методикани бизга қолдирганига ишонч ҳосил қиладилар.

Фитрат «Рост» мақомига қизил ранг, «Наво» мақомига сандал ранг мос келишини қайд қилган. Ғулом Зафарий «Наво» қулранг, «Муножот» тўқ жигарранг, «Чоргоҳ» оқ ранг билан уйғунлашиб кетишини айтади.

Устозларнинг бундай қизиқарли мулоҳазалари билан танишар эканман, ҳар гал ҳазрат Навоийнинг қуйидаги тенги йўқ мисраларини эслайман:

Чекар боғи ичра булбул онча афғон
Ки афғони қилур гул барғини қон.

Мақомнинг таъсирчан куйларини тинглаб турли ранглар, бўёқлар силсиласини тасаввур этган алломаларимизни ҳам, улар қадрдаган оҳангларни ҳам гул барғини қон қилган қушга ўхшатаман.

Яна икки мисра. Бу гул рангида булбулнинг ҳолати акс эттирилиши завқ беради:

Ва ё гул кўргузур бир найкар ондин,
Қизил ҳар барги бир ўтлуқ пар ондин.

Буни қарангки, ватандошларимиз куйни тинглаб ранг танлаган бўлсалар, мусаввирлар Алишер Навоий мисраларидан илҳомланиб, нафис тасвир яратганлар, ранг топганлар...

Мусиқа ранг танлашга, ранг эса образли фикрлашга ундаса, кино ва телевидение учун бу бебаҳо хазина эмасми!? Ранг истиора, ўхшатишни кучайтириш учун ишлатилганини шеъриятимизда Фитрат, Ғулом Зафарий ижодхонасидагина эмас, балки миллий кинематографиямизда, телевиденнеда кўришни истаймиз.

Бундай мулоҳазалар муштарийларга (ният қиламиз, яқин келажакда ўша дорилфунун толиб ва толибаларига) қанчалик маъқул бўлиш-бўлмаслиги бизга қоронғу. Лекин кинонинг ўзини мустақил санъат сифатида тан олиш билан бирга уни маданий, илмий мерос билан узвий боғланган ҳолда тасаввур этишга ундаш зарурлиги бизда шубҳа уйғотмайди...

Ҳа, кинематографиямизнинг ўтмишини унутмаслик, истиқболи ҳақида қайғуриш ва зудлик билан талайгина ижодий, илмий ўқув, техник ташкилий масалаларни ҳал этиш зарур бўлиб қолди.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
киношунос.

Артист Амин Турдиев кинодаги илк ролида. «Тонг олдидан» (1934 й.)

«Муҳлис» фильмидан кадр.

ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ ФИЛЬМ ҚАЧОН СУРАТГА ОЛИНГАН?

Ўзбек киноси қачон пайдо бўлди?

• МЕРОС, ТАЪЛИМ, ТАЛҚИН

СУБҲОНҚУЛИХОН ШЕЪР ЁЗГАНМИ?..

Адабиёт ўқитишнинг янги дастурида Турди ҳажвиётини алоҳида дарс соатида ўрганиш, унда «Субҳонқулихон» мухаммасини мумтоз ҳажвиёт намунаси сифатида ёритиш режалаштирилган. Ушбу асар эски адабиёт дастурлари асосида ҳам ўрганиб келинган эди. Аммо янги дарсликни яратиш жараёнида биз Субҳонқулихон тўғрисидаги муҳаммасни махсус ўрганиш фикридан қайтдик. Унинг ўрнига учинчи соатда «Турдининг туркий мухаммаси»ни ўрганишни маъқул топдик. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

Аввало, ёш авлоднинг беғубор идрокида соғлом миллий мафкурани шакллантириш нуқтаи назаридан «Субҳонқулихон» мухаммасини чекланган дарс соатларида ўрганишдан сақланиш маъқул кўринади. Яқин ўтмиш мобайнида халқимизнинг ота-боболари саналмиш хону бекларимизни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, тарихий сиймолари ҳамда фаолиятларини бирёқлама, ҳатто, ҳаққоратомуз талқин этиш ғайримиллий мафкурага хизмат қилиб келди. Субҳонқулихон тўғрисидаги мухаммас ҳам ўзбек элатининг ўтмиши ҳамда ҳукмдорларига нафрат, илмий атама билан айтганда, миллий нигилизм руҳияти тарбияси учун муваққат мафкура қўлида муҳим далил ва дастак вазифасини ўтади. Бунга Турди мухаммаси тўла асос берар эди. Муҳаммасда яратилган Субҳонқулихон сиймоси ҳукмдорнинг сиёсий фаолияти ҳақидаги тарихий маълумотларга мувофиқ келади. Унда Субҳонқулихон сиймоси, маълумотлардагига қараганда, кескин ҳажвий руҳ тамойили билан муболағалироқ ва мас хараомуз тасвирланган. Эндиликда бундай тасвирни холис нуқтаи назар маҳсули сифатида қабул қилиш қийин. Турди ва Субҳонқулихон муносабатлари асосида шахсий, ижтимоий келишмовчилик, қарама-қаршилик, тор маҳаллий манфаатлар турган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мухаммасдаги бирёқлама мураккаб талқин шу заминда шаклланган бўлса керак. Улар ўртасида ҳар қандай низо кечган бўлмасин, бу шоҳ ва шоирнинг ҳар иккалови ҳам ўзбек элатининг улуғ боболаридир. Икки орадаги кескин муросасизликни кечмиш миллий кулфатимиз сифатида қараб, бундан буён масалани холис назар билан ёритиш йўлидан боришимиз лозим.

Маълумки, ўтмишдаги ўзбек ҳукмдорларининг кўпчилиги маърифий-маданий фаолият билан шуғулланганлар. Улар фаолиятининг бу инсоний қирраси назардан четда қолмаслиги, аксинча, қадрланмоғи жоиз. Субҳонқулихоннинг ана шундай ижобий ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам муҳим маълумот мавжуд. Биз бундай маълумотни эслатиш билан зинҳор Субҳонқулихоннинг қабиҳ қилмишларини оқлаш тарафдори эмасмиз. Фақат уйинг яхши ишлари унутилмаслиги, у мураккаб бир шахс сифатида ўрганилиши ва ўргатилишини истаймиз.

1961 йили «Фан» нашриётида босилиб чиққан «Ўрта осиёлик қирқ олим» китобида (92-93-бетлар) Субҳонқулихон тўғрисида қуйидаги маълумот мавжудки, буни ўқувчию ўқитувчилар ва кенг китобхонлар оммаси билиб қўйса ёмон бўлмас. Китоб муаллифлари, шарқшунос олимлар Абдусодиқ Ирисов, Абдулла Носиров, Илёс Низомиддиновларнинг бирламчи мўътабар манбалар асосида аниқлашларича, Субҳонқулихон ўз саройига кўзга кўринган илм аҳлини йиққан, ўзи тиб илми ва бадиий ижод билан шуғулланган, Нишоний тахаллуси билан шеърлар ёзган. Дарвеш ниқоби остида Марказий Осиёга саёҳат қилган венгер шарқшуноси Вамбери ўз хотираларида Субҳонқулихон ёзган бир қўлёзма тиббий китобни Ҳиротда қўлга киритгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу қўлёзма асар муқаддимасида Субҳонқулихон ўз мақсад-муддаосини шундай ёзган экан: «Шунга диққат қилмоқ зарурки, аввалги замонларда ўтган ҳакимлар араб ва форс тилларида тиббий китоблар ёзиб қолдирганлар. Туркий тилда ёзилган тиб китоби ҳозиргача менга учрамади. Шунинг учун мен абду, ҳақир Сайидмуҳаммад Субҳонқулихон ибн Сайидноди рмуҳаммадхон бу китобни ёздим. Бунда ҳар хил касалликларни даволаш чоралари кўрсатилди, шояд кўп кишилар фойдалансалар».

Субҳонқулихон туркий табобатда машҳур бўлган «Тибби Субҳоний» асарини ёзган. Бу китобни яратишда муаллиф қадимги ҳакимлардан Ибн Сино асарларидан, Гален ва Гиппократ асарларининг арабча таржимасидан фойдаланган. Вамберининг маълумотига кўра, «Тибби Субҳоний» асарининг олмон тилига таржимаси билан бирга асл матни ҳам нашр этилган. Субҳонқулихон табобатга оид «Тибби Субҳоний»дан ташқари, форс тилида «Иҳё ут тибби Субҳоний» китобини ҳам ёзган. Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида (2101-рақам, 301-варақ) сақланади. Асар саккиз бобдан иборат бўлиб, унда турли дорилар ҳақида маълумот берилади. Муаллиф ўз асарини ёзишда «Шифо ул-алил»дан кенг фойдаланган.

Маҳаллий табобат равнақи йўлида Субҳонқулихон бошқа тадбирларни ҳам кўрган. Унинг даврида тибга оид кўп асарлар араб тилидан форс ва ўзбек тилига таржима қилинди. Кўп нусхада қайта кўчиртирилди. 1697 йили Бухорода «Буқъайи дор уш-шифо» номли ўн саккиз ҳужрали мадраса бино қилинди. У ерда етук мутахассислар мударрислик қилдилар. «Дор уш-шифо» қошида касалхона, амбулатория ва дорихона ҳамда кутубхона бўлган. Дорихонада дори тайёрловчи иккита ходим ишлаган. «Дор уш-шифо» харажатлари вақфдан келадиган даромад ҳисобига йилига қирқ минг танга миқдорида тайинланган.

Субҳонқулихон фолга оид «Рамли Субҳоний» номли асар ҳам ёзган. Унинг фармонига биноан, «Фатовойи Субҳоний» номли фатволар тўплами ишлаб чиқилган.

Демак, ўзбекнинг энг золим деб қоралаб келинган хони фаолиятига эътибор билан ёндашилса, унинг ҳам анчамунча савобли ишлари борлиги аён бўлар экан. Хон бу ишларни фақат шуҳрат-шон учун қилмагандир, ахир. Субҳонқулихон даври, муҳити фаолиятига доир асл манбалар синчиклаб текширилса, янада кўпроқ муҳим маълумотни қўлга киритиш мумкин. Аммо, шу далилларнинг ўзиёқ айтиб турибдики, Турдининг Субҳонқулихон тўғрисидаги мухаммасига танқидий ёндашмоқ, холисона таҳлил ва талқин этмоқ зарур.

Субҳонқулихон ҳақидаги мухаммас бадиий тил, ифода, тасвир, бадиий қурилмаси жиҳатидан ҳам хийла мураккаб. У ўқувчи ва ўқитувчиларни қизиқтиришдан кўра кўпроқ толиқтиради. Бироқ, буни Субҳонқулихон ҳақидаги мухаммасни ўрганмасликка тарғиб деб тушунмаслик керак. Ушбу мухаммас Турдининг энг ижтимоий салмоқдор ва муҳим асарларидан. Биз уни фақат ўта чекланган дарс соатларида ўрганиш шарт эмас, деган фикрдамиз. Асар ўнинчи синф «Ўзбек адабиёти» мажмуасига киритилган ва у ҳамиша ўрганилади. Биз уни синфдан ташқари ўқиш ҳамда мустақил мутолаа жараёнида ўрганишни тавсия этамиз. Машҳур мухаммасдан кўнгил узолмайдиган муаллимлар уни махсус дарс соатларида, ижодий ёндашган ҳолда, Субҳонқулихон тўғрисидаги қўшимча тарихий маълумот билан муқояса этиш асосида ўрганишда давом этишлари ҳам мумкин.

Турди ижодиётини ўрганишдаги махсус дарс соатларидан бири «Мухаммаси туркийи Турди» сарлавҳали асар таҳлилига бағишланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу мухаммас ҳам ўнинчи синф «Ўзбек адабиёти» мажмуасидан тўлалигича, изоҳ ва шарҳлари билан бирга ўрин олган. Асар маърифий руҳда ёзилган бўлиб, ўқувчиларда исломий эътиқод ва маданиятни шакллантиришда, уларни комил инсонликка даъват этишда ўзига хос хизмат қила олади.

Турди Фароғий ғазал билан бирга мухаммас жанрининг ҳам устаси эди. У теран ижтимоий-фалсафий мазмундаги мухаммаслар яратиб қолдирган. Турди, асосан, мустақил мухаммаслар ижодкори. «Мухаммаси туркийи Турди» мухаммаси Турди асарлари орасида фалсафий-ахлоқий моҳияти жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Ислом ва тасаввуф таълимоти, тимсоллари унинг ижодиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, мазкур мухаммас матнида у мутасаввуф шоир сифатида намоён бўлади. Мухаммас ислом ва тасаввуф маърифати, ахлоқи ақидалари билан суғорилган. Асар панду насиҳат услубида битилган. Аммо, у қуруқ ва китобий йўсинда эмас, ҳаётий кузатишлардан чиқарилган хулосаларнинг тасаввуф назарияси асосидаги талқинидан вужудга келган. Бундай соғлом насиҳат ҳар бир мўминни тўғри йўлга даъват этади.

Жисми қонундин нафас торн
узулмасдин бурун,
Бошинга даври қазо базмн
қурулмасдин бурун,
Жайбайи жон тирн риҳлатдин
сўкулмасдин бурун
Эй кўнгул, қасри асосн тан
бузулмасдин бурун,
Тоқи абрў, курснйи даидон
тўкулмасдин бурун —
Қил назар осорн сунъиллоҳ чашми
дид ила,
Кир ҳақиқат йўлига...[1]
Қурби вуслат истасанг, бўл восифи
таҳмид ила,
Уқдайи лабдин гиреҳ оч нуктайи
тавҳид ила,
Кўз очиб, санга даҳонни ҳарза
кулмасдин бурун.

Шоир инсонни ҳақиқат йўлига даъват этишнинг ниҳоятда таъсирчан, тимсолий ифода услубини топган. У инсон жисми-қоматини қонун деб номланган мусиқа асбобига ўхшатади. Гўё тирикликни таъминловчи нафас ушбу мусиқа асбобининг торларини ташкил этади. Нафас торлари тебраниб тураркан, қоматнинг қонунидан ҳаётбахш наволар таралайверади. Нафас тори узилар экан, жисм қонунида ҳаёт сўнади. Яъни инсон нафас билан тирик. Турди вужуд қонунидан нафас тори узилмасдин бурун ҳақ йўлига кириш, исломий-имон-эътиқодни қабул қилишга чорлайди. «Бошида даври қазо базми қурулмоқ» — инсон ҳаётдан кўз юмганидаги мотам маросимини англатади. Ушбу мисрада ҳам шоир инсон ҳаётдан кўз юмишидан илгари Тангри олдидаги бурчини бажаришга, тоат-ибодат қилишга улгуриши лозим, деган фикрни илгари суради. Жайбайи жон — жоннинг ёқаси. Бу ўринда шоир жонни инсон танаси тириклигини муҳофаза этиб турувчи, жангларда кийиладиган зирҳли либосга ўхшатган. Тири риҳлат — ўлим камонидан отиладиган ўқ. Тири риҳлат шундай қудратли ва аёвсизки, унинг ҳужумидан ҳар қандай зирҳли кийимнинг ёқаси сўкилиб кетади ҳамда ҳаёт маҳв ўлади. Шоир шу йўсинда муқаррар ва барҳақ ўлимнинг турли кўринишларини аён гавдалантиради. Кейинги мисраларда уни «тан асосининг қасри бузилиши», қош меҳроби, тиш курсиларининг тўкилиши тарзида тасвирлайди. Шоир ўлимнинг даҳшатли қўланкасини гавдалантириб, совуқ сувратини шакллантириб кўрсатиш билан одамларга тириклик азиз ва ғаниимат, аммо, абадий эмас, умрнинг қадрига етиш, фурсатни бой бермай, имон-эътиқод билан ҳалол-покиза ҳаёт кечириш лозимлигини уқтирмоқчи бўлади. Ҳаёт сўнгидаги пушаймон, оҳу-воҳлар, тавба тазарру охират учун нажот беролмайди. Шунинг учун, Турди танбеҳ берадики, ёшликдан дид ва таъби нозик ила илоҳий қудратни идрок этмоқ, ҳақиқат йўлига кирмоқ вожиб. Ҳақиқат йўли — тасаввуф таълимотида сулук дейилади. Ҳақиқат йўлига кирган художўй, тақводор инсон — солик номланади. Ёр висолига, Оллоҳ дийдорига яқинлик истаган инсон ҳамиша Оллоҳни мадҳ этиши, унинг васфи-таърифу мақтовини келтириб туриши жоиз. Соликнинг лаблари тугуни, чигили ҳамма вақт Оллоҳнинг борлиги ва ягоналиги ҳақидаги калима билан ечилиши, яъни у Тангрининг тавҳиди — воҳидлиги хусусидаги нозик, сеҳрли сеҳркирра сўзлар сўзлаб юриши лозим. Асарда иқтибос келтирилмаса-да, муаллиф Оллоҳнинг якка ю ягоналиги, борлигини тан олиш тўғрисидаги имон калимасини қайтариб туришни назарда тутади:

...Синдуруб исён ҳумини, тўк
надомат ашкни,
Тавба жомин нўш қил, паймона
тўлмасдин бурун.

Ислом таълимоти эътироф этадики, Оллоҳ марҳаматли, раҳмшафқатли, кечиримли зот. Аммо, бандалари йўл қўйган гуноҳлари учун умр мобайнида тавба-тазарру қилиб борсаларгина, Парвардигор барини кечиради. Умр паймонаси тўлиб, жон таслим этаётган чоғида Оллоҳ эсига тушиб, охиратни ўйлаб қолиб, жаннатга хомтамалик билан теккан тавба-тазаррулари эса инобатга ўтмайди.

Лобақодур қалбий, қалбинг боғлама
иқболинга,
Бўлма ғарра орнят дунёву мулку
молинга,
Ёд этиб гўру қиёмат, йиғла доим
ҳолинга,
Бур назар моуманидин, ёниб ўз
аҳволинга,
Ибрат ила боқ, кўзунг туфроққа
тўлмасдин бурун.

Қалбий, яъни қалбакилик, сохтагарчилик абадий эмас, унинг умри қисқа. Қалбий, қалбакилик, қаллоблик сифатлари қалб фаолияти билан боғлиқ равишда келиб чиққан. Шунинг учун эътиқод илмида қалбга ишонч билан қаралмайди. Қалб амри билан иш қилиш ҳамиша ҳам эзгуликка олиб боравермайди. Турдининг қалб ҳақидаги мисрасида қалбнинг ҳис-туйғулари, эҳтиросларига асир бўлма, қалбингга доимо қулоқ солаверма, унинг ҳою ҳавасларига учма маъносидаги ўгит бор. Иккинчи мисрада сўфийликда мудом қораланадиган дунёпарастлик иллатидан огоҳлантирилади: Орттирилган дунё ва молу мулкингга мағрур бўлма, чунки у сенга вақтинчага, омонат берилган. Кўпчилик одамлар мол-дунёга муҳаббат, эътиқод боғлайдилар, ҳирс қўядилар. Оқибатда, иймонни Оллоҳни унутадилар. Манманлик, мулкпарастлик, тўймаслик, қизғанчиқлик, бахиллик, хасислик, худбинлик қусурлари — бари шундан шаклланади. Бундай ёвуз сифатлардан фориғ бўлиш учун тасаввуф таълимотининг Яссавийя тариқати мол-дунёдан бутунлай воз кечишни талаб этади. Нақшбандия тариқати эса бу дунёнинг мулки, ноз-неъматлари инсон манфаатлари учун яратилганини эътироф этиб, ундан баҳраманд бўлишни, аммо ўзиники эмас, Оллоҳники деб билишни, унга тўқ назар, қаноат, саховат, камсуқумлик билан ёндашиб, эҳтиёж ва эҳтиёт юзасидан тасарруф этиш, шукроналик ва муҳофазакорлик билан эгалик қилишни маъқул кўради. Турди дунё молу мулкига ана шу нуқтаи назардан ёндашган. Ўз аҳволига ёниб, доим ҳолига йиғламоқ, манманликдан юз ўгирмоқ, гўру қиёматни ёд этмоқ — ҳаммаси дунё ҳирсу ҳавасларига кўнгил бермаслик ғоясини илгари суришга қаратилган. Чунки осий банда очкўзлик билан қанча мол-давлат йиққан бўлса, шунча кўп гуноҳга ботган. У ўз аҳволини англаб етиши ва шундай ҳолга тушиб қолганидан фарёду фиғон чекиши лозим. Зотан, йиққан молини гўрига орқалаб кетолмайди, қиёматда эса ҳар бирининг ҳисоб-китобини қилиши керак. Кўзи очлик инсонга ҳамроҳ бўлган шайтоний хислат бўлиб, ёруғ дунёдан кўз юмгандагина ундан халос бўлади. Унинг кўзларини тупроқ тўйдиради ёки кўзлари тупроққа тўлади. Одамнинг жасади лаҳадга қўйилган чоғда ҳам шундай рамзий маънода унинг юзларига бир ҳовуч тупроқ сочиб қўядилар. Алҳосил, Турди айтмоқчи, ҳаётнинг азалий қонуни шундай муқаррар экан, дунё ишларига ибрат кўзи билан қарамоқ лозимдир.

Муҳаммас бандларида комил эътиқодга даъват изчил давом этади:

Бевафо фоний жаҳонни билмагил
сан жойи буд,
Эрта дур, охшом кетарсан селу
барқу боду руд,
Қил бу кун тангло ниш, бўлмаз
пушаймон анда суд,
Қил дуто пуштунг рукуға жабҳайи
жоднн сужуд.
То ажалнинг боридин қаддинг
букулмасдин бурун.

Инсон руҳига ҳушёрлик ва огоҳлик бахш этувчи ушбу сатрлар шундай сабоқ беради: Эй бандайи ожиз, сен бу дунё ҳамда унинг ноз-неъматларию ҳузур-ҳаловатларига қаттиқ меҳр боғламагил. Улардан вафо тамаъ қилма. Улар ўткинчи, йўқолувчи, битувчи мавжудотдир. Бу омонат жаҳонни мукаммал, барқарор, абадий маскан деб ўйлама. Ушбу бевафо дунёдаги умр шу қадар қисқа, тез ўтарки, гўё эрталаб уйғонасан, оний кун кечириб, кечқурун сел, чақмоқ, ел, тезоқар аҳор сингари шиддат билан боқий дунё сари кетиб борасан. Шунинг учун шу лаҳзалик ҳаёт фурсатини ғаниимат билиб қиёмат куни ҳамма тўпланадиган маҳшаргоҳ майдонида Оллоҳ олдида сўроқ берадиган, жавобгар бўладиган ишларингни бугун қилиб қўйгин, акс ҳолда, у ердаги пушаймон асло наф бермайди.

Шоир соликни ҳақ йўлга йўллар экан, кечаю кундуз риёзат чекишни, йўлдошсиз юрмасликни сўрайди. Диний маънавий раҳнамо изловчи киши ҳамиша Оллоҳни дилида сақлаши, сафарда ёлғиз эмас, у билан бирга ҳамроҳ бўлиши лозимлигини уқтиради. Негаки, ҳақиқат йўли пурхатар, маҳбуби мутлақ — Ҳақ манзили узоқ:

Кеча-кундуз, толибн жўёйи пирн
роҳбар,
Қўйма бейўлдош қадам, манзил узоқ,
йўл пурхатар.

Ҳақиқатан, Оллоҳ мен билан бирга деган тушунча инсонга маънавий-руҳий таянч бўлади. Бундай эътиқод соликни ёмон йўллардан, ношаръий ҳаракатлардан, шайтон хуружидан сақлайди.

Мана бу бандда Турдининг нақшбандиёна тариқатдаги тафаккур тарзи яққол акс этган:

Айлама фосид хаёла сарф солу
моҳни,
Кир шариат йўлига, айнингда кўр
Оллоҳни,
Ҳозири дам бўл, талаб қилғил дили
огоҳни,
Нашқ боғла дилда муҳри меҳри
иллаллоҳни,
Жон етиб лабға, оғизда тил
тутилмасдин бурун.

Ушбу сатрлар Турди сўфий шоир сифатида Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳамда Баҳовуддин Нақшбандий тариқатини тутганини, уларнинг ақидалари амалиётчиси ва тарғиботчисига айланганини кўрсатади. Дастлабки сатрларда шоир: «Умрингни бузуқ, ярамас ўй-хаёлларга сарф, зое этма. Яхшиси, шариат йўлига киргин-да, кўзинг, яъни кўнглинг ойнасини Оллоҳ нуридан равшан этгин» мазмунидаги ажойиб пандини изҳор этади. Англашиладики, кўнглида Оллоҳ зикри мавжуд инсонгина дунёга равшан назар билан боқади ва Ҳақни таний олади. Кейинги байтларда хўжагони Нақшбандиядаги «Хуш дар дам» ақидаси илгари сурилади. Дам сўзи нафасни англатади. «Хуш дар дам» ёхуд «ҳозири дам бўлмоқ» ҳар нафасда дилни Оллоҳ ёдидан огоҳ этиб турмоқ демакдир. Нақшбандийликда Оллоҳнинг ёди билан нафас олишнинг қатъий тартиби амал қиларди. Бунда нафаслар аро «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» калимасини узлуксиз қайтариш қоидаси мавжуд эди. Солик нафас олганда «Ло илоҳа иллоллоҳу», нафас чиқарганда «Муҳаммадур расулуллоҳ» сўзларини такрорларди. Бу ишни овоз билан ёхуд товуш чиқармай, ҳаттоки, пичирламай, шуурда бажариш ҳам мумкин эди. Бу Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотидаги кўнгил зикри талабига ҳам мос келарди. Шунда Оллоҳ ёди нафас орқали соликнинг қонига, томирларига, миясига, юрагига югурарди. Шу йўсинда унинг юрагига Оллоҳ меҳри муҳрланарди. Турди талаб этган — муҳри меҳри иллаллоҳдан дилда нақш боғлаш шу услубда кечарди. Асли, нақшбандия таълимоти асосида ҳам, нақшбандий сўзининг ўзак моҳиятида ҳам дилда Оллоҳ меҳру-муҳаббатини нақшламоқ нуқтаи назари ётади. Аммо Оллоҳ муҳаббатини юракка жон оғизга етиб, тил калимага келмай қолгунга қадар нақшлаб улгурмоқ баркамол солик саодатидир.

Олдинги байтда умрни нимага сарфламасликдан сабоқ берган шоир эндиги байтда уни нимага сарф этиш муҳим ва зарурлигидан огоҳ этади:

Боқийи умрингни сарфи мардуми
фаҳмида қил,
Мақдамнида бош қўюб, побўси
мардум дида қил,
Пок тийнат, соф дил, хулқи Ҳасан
бигзида қил,
Мунда хўб илму амални чирмаву
санжида қил,
Ҳашрда мезон тарозуси қурулмасдин
бурун.

Умрнинг мазмуни, ҳаётнинг қадр-қиммати уни нимага сарф этиш, қандай ўтказиш, берилган имкониятдан қандай фойдалана олишга боғлиқ. Сермазмун умр кечириш муҳимни номуҳимдан ажратиш, нозик фаҳму фаросатни талаб этади. Ҳаётни қандай одамларга фидо этиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгаким, бу масала Турди пандномасидан четда қолмаган. Унинг хулосаси шундай: «Бутун умрни аҳли дилларга — инсонни тушунадиган, қадрлайдиган, ҳурматлайдиган одамларга сарф эт. Шундай одамларнинг қадамига бош қўйиб, оёғини ўпиб, босган изини кўзларингга суртсанг арзийди. Ўзингга турмуш тарзинг учун покиза табиатлилик, софдиллик, хушфеъллик, чиройли хулқ фазилатларини сайлаб ол.

Турди панду ҳикматларини тадрижий такомиллаштира бориб, сўнгги сатрда энг ҳаётий ва якунловчи хулосани ифодалайди:

Фурсатинг фавт этма, Турди, иш қил
ўлмасдин бурун.

Фурсатни қўлдан чиқармай, иш қилиш, яратувчилик билан умр ўтказиш кўҳна Шарқ дунёқараши, айниқса, нақшбандия таълимотининг энг олий ҳақиқатларидан биридир. Мухаммасдаги шундай шоҳ сатрлар нақшбандия фалсафасидаги умумлашма шиор — «дил ба ёру даст ба кор» ғоясининг ўзига хос бадиий шарҳидай таассурот қолдиради. Турдининг ушбу мухаммаси одамларни исломий имон-эътиқодга рағбатлантириш, ҳаётни севиш ва қадрлашга ўргатиш, поклик ва ҳалолликка даъват этиш, ҳаётни фалсафий идрок этиш жиҳатларидан катта маънавий-ахлоқий, таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт илмгоҳининг катта илмий ходими.

1. Илмда ҳали мисраннинг тўлиқ шакли аниқланмаган.

Кейинги икки-уч йил орасида ўзбек театр санъатида янги-янги саҳна асарларига мурожаат қилинаётгани қувончлидир. Айниқса тарихий ёхуд авваллари таъқиб остига олинган ажойиб санъат намуналарининг қайтадан тикланаётгани элдошларимизни суюнтираётир.

СУРАТДА: машҳур адибимиз Абдулҳамид Чўлпоннинг Ҳамза номидаги Катта Академик театр саҳнасида дунё юзини кўрган «Ерқиной» спектаклидан бир лавҳа Ерқиной ролида артист Раъно Ярашева.

Р. ШАГАЕВ суратга олган.

СПОРТ

«НЕФТЧИ» ЯРИМ ФИНАЛДА

● Москвада МДҲ чемпионлари ўртасида иккинчи марта ўтказилаётган анъанавий мусобақа давом этмоқда.

Ўн олти жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб куч синашаётган бу мусобақада Ўзбекистон чемпионлари — Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ҳам иштирок этишмоқда. Ёпиқ майдонда давом этаётган баҳслар мухлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Боиси, бу учрашувларда футболчилар мавсумга шайлиқни тобига етказишлари ҳамда ғолиб ва иштирокчиларга бериш учун мўлжалланган 50 минг АҚШ долларидан манфаатдор бўлишлари мумкин. Шунинг учунми, фарғоналик футболчилар дастлабки учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мусобақанинг ярим финалига чиқдилар. Улар аввал Бишкекнинг «Олға» жамоасини 6:0 ҳисобида енгиб, кейин Минск динамочиларини 4:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Россия ёшлар терма жамоаси билан кеча бўлиб ўтган учрашув ҳам қизиқарли бўлди. Бу ўйиннинг ҳисоби инобатга олинмайди. Чунки, Россия ёшлари танловдан ташқари иштирок этишмоқда.

ОҚ ОЛИМПИАДАГА БОРАДИЛАР

● Ўзбекистон республикаси Миллий олимпиада қўмитаси ўзининг навбатдаги йиғилишида Норвегиянинг Лиллеҳаммер шаҳрида ўтадиган қишки олимпиадага борувчи Ўзбекистон гуруҳи таркибини тасдиқлади.

Ўзбекистон спортчиларига МОКнинг биринчи вице-президенти С. Рўзиев бошчилик қилади. Вице-президент И. Барабан олимпиада қишлоғида вакилларимизга раҳнамо бўлиб туради. Спортчилардан чанғичи Л. Червязова, С. Бренер, спортчи-могул Л. Удодова, фигурали учиш жуфтликлари — Л. Стергиаду билан Ю. Разгуляев, Л. Нурбоева билан Н. Сатторов ҳамда тренер ва таржимонлар бўлиб, 12 киши олимпиадага борадиган бўлиб турибди.

УСТОЗНИ ФУТБОЛЧИЛАР ТАНЛАМАИДИ

● АҚШда бўлажак жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган Россия терма жамоаси футболчилари билан бош тренер Павел Садирин ўртасида бошланган низони бартараф этишга ҳаракат қилинмоқда.

Гап шундаки, терма жамоа бир қатор ўртоқлик учрашувларида иштирок этиб, машқини ошириш учун АҚШга йўл олиши керак эди. Зеро, бу сафарга отланганлар орасида раҳбариятга: «ё мураббий, ё биз» деган маънода арзнома йўллаган «қўзғолончилар» бормайдиган бўлишди. Афтидан Садирин шикоятчи «юлдуз»лар ўрнини ўринбосарлар ҳисобига тўлдиришни лозим топган кўринади. Мухлислар эса кучли жамоани орзу қилишмоқда. Шу маънода жамоага ёрдамчи этиб спартакчи Олег Романцевни таклиф қилиш ҳақида ҳам фикрлар бор. Буни Россия футбол уюшмаси президенти В. Колосков ҳам маъқулламоқда. Унинг таъбирича, ФИФА мақомига кўра: ҳеч қаерда, ҳеч қачон футболчилар ўзларига мураббий тайинламас экан.

«УЗБЕГИМ — ЭДЕМ»
УЗБЕКИСТОН РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

1994 йилнинг февраль ойида Жиззах шаҳрида юмшоқ мебеллар (уйларни ва ишхоналарни жиҳозлашда фойдаланиладиган) кўргазмасини ўтказади. Корхоналар, ташкилотлар вакиллари ёки жисмоний шахслар кўргазмага қўйилган маҳсулотларни пул ўтказиш, нақд пул тўлаш ёки маҳсулот айирбошлаш (бартер) йўли билан харид қилишлари мумкин.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Сизлар ўзларингизни қизиқтирган шу ва бошқа барча масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали маълумот олишингиз мумкин. Ҳамиша хизматингизга мунтазирмиз.

БИЗНИНГ ТЕЛЕФОНИМИЗ: 3-40-04, Жиззах шаҳри код 8-372-22.

«РИГАЛИС»
ТИЖОРАТ ДЎКОНИ

Сизнинг телевизорларингиз учун радиоқисмларнинг хилма-хил намуналарини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Нақдсиз пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб ҳам қилиш мумкин.

Сизларни ушбу манзилда кутамиз:

Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 55-а уй. («Чилонзор» савдо маркази, сартарошхона олдида).

Сизларда бор бўлган радиоқисмларни сотувга қабул қиламиз.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бош иқтисод молия бошқармасининг назорат ва тафтиш бўлими мудири

Эргаш Бурхонович ОРИФЖОНОВнинг

вафот этганлигини қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси газетанинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари Болтабой Юсуповга умр йўлдоши

Зоҳида Бобохоновна ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.

Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.

Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4,44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди — 21.20.

Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, А. ПУЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.